

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

.....
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

М А Н Т И Қ

(Услубий қўлланма)

Самарқанд – 2011

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

.....
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси

**Бўриев М.
Маматкулова Н.
Ашурова Х.**

М А Н Т И Қ

**(мустақил таълим дарсларида фойдаланиш
бўйича услубий тавсиялар)**

Самарқанд 2011

Мантиқ фанидан ўқув-услубий қўлланма. – Самарқанд: СамИСИ
нашри, 2011. - бет.

Тузувчилар: Доцент М.Бўриев
Маматқулова Н.
Х. Ашурова.

Такризчилар: Профессор С.К. Каримов.
Доцент Л.Н. Жўраев

Услубий қўлланма СамИСИ Ижтимоий - гуманитар фанлари кафедраси
йиғилишида кўриб чиқилган ва чоп этишга тавсия қилинган 2011 йил 21
феврал баённома № 5

Услубий қўлланма СамИСИ ўқув – услубий бирлашма йиғилишида
кўриб чиқилган ва чоп этишга тавсия қилинган.

2011 йил, март, баённома.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2011.

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришиши муносабати билан олий таълим тизими олдиға, ижтимоий фан ходимлари зиммасига янгиланаётган жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичдаги энг муҳим муаммоларни ҳар томонлама ва янада чуқурроқ ўрганиш, тадқиқ этиш ҳамда назарий жиҳатдан умумлаштириш, илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишни юкламоқда.

Президентимиз И.Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида таъкидлаганидек: “Чуқур ўзгаришлар бизнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб бормоқда. Содир бўлаётган туб силжишлар дунёнинг ҳозирги қиёфасини ўзгартириб юбормоқда. Халқнинг озодлик, мустақиллик ва бахт – соадатга азалий интилиш, ўз тақдирини ўзи белгилашга азму қарор мана шундай ўзгаришларнинг ҳаракатга келтирувчи кучидир”.¹

Мана шундай ўзгаришлар даври талабаларда фалсафий дунёқарашни шакллантириш, улар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, ўз-ўзини англаш мафкурасини яратишда олий таълим олдиға ҳам ўзига хос маъсулиятли вазифаларни кўяди. Қолаверса ушбу долзарб муаммоларни ҳал этиш, ечимини топиш йўл - йўриқлари тарихий ҳужжатлар “Таълим тўғрисидаги Қонун” ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да ўзининг мукамал ифодасини топгандир.

Булардан келиб чиққан ҳолда барча олий таълим бўғинларида давр талабига мос келадиган янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий ишларни ёзиш ва чоп эттириш муҳим вазифа сифатида қаралмоқда.

Авторлар юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда мантиқ фанидан амалий машғулотлар, талабаларнинг мустақил таълим олиш жараёнига мўлжалланган ушбу ўқув қўлланмада узлуксиз таълим жараёнида амалий машғулотлар ва айниқса мустақил таълимнинг ўзига хос ўрнини очиб беришга, ушбу борада услубий тавсиялар беришга ҳаракат қилган.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент; 1992.

Услубий қўлланмада амалий машғулот дарсларининг режалари ва режада келтирилган саволларга тайёргарлик кўриш борасида йўл-йўриқлар, услубий маслаҳатлар келтирилган.

Талабаларнинг мустақил таълим олиш жараёнини назорат қилиш мақсадида эса, уларни мустақил билим олиш жараёнида бажарилиши лозим бўлган реферат мавзулари ҳам келтирилган.

Мустақил таълим олиш жараёнини такомиллаштириш юзасидан айрим услубий маслаҳатлар

*Янги педагогик технология –
ижтимоий фанларни ўқитиш
tizimini такомиллаштириш-
нинг асосий омили.*

Мўминов Н.А., Бўриев М.Б.

XXI – аср том маънода ахборотлар зичлашуви асри бўлиши техника, электротехника, такомил топган роботлар, янги авлод “ЭХМ” лар, “Интернет” тармоғи, сунъий интеллект ролини ортиши, глобал муаммолар ечимини топишга томон машаққатли меҳнат, космосни “ўзлаштириш”, яъни ердан бошқа планеталардан ҳаётнинг изланиши каби муаммоларни инсоният олдига қўймоқдаки, бу муаммоларнинг ижобий ечими табиий, гуманитар ва техник фанларнинг тараққиётига, уларнинг бевосита ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этилишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи йиллариданок Президентимиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга, таълим – тарбия жараёнини ҳам мазмун, ҳам сифат жиҳатдан дунё стандартлари даражасига кўтаришга, унга янги технологияни жорий қилишга катта эътибор қаратмоқда. Бизнинг фикримизча бундай улкан муаммоларни ечими маълум маънода куйидагиларга боғлиқ бўлиб қолади:

- 1). Таълим беришнинг барча соҳаларида замонавий усуллардан фойдаланишга алоҳида эътибор бериш ва зарурий дастурларни қабул қилиш;
- 2). Таълим жараёнига янги педагогик технологияни жорий қилиш;
- 3). Таълим беришда “Интернет” тармоғи хизматидан унумли фойдаланиш;
- 4). Сунъий интеллект ролининг ортиб бораётганлигига эътиборни қаратиш;
- 5). Таълим беришда ижодкорликни қўллаб – қувватлаш ва маълум даражада рағбатлантириш;
- 6). Таълимнинг турли бўғунларида (мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий мактабларда) иқтидорли талабаларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни юксак савияда билим олишига эришиш.

Бу тарихий ҳужжатларни ҳаётга тадбиқ этиш, унинг самарадорлигини ошириш ва шу асосда бу ҳужжатларни ҳаётийлигини таъминлаш таълим беришнинг турли буғинларида, шу жумладан олий таълим тизимида ҳам таълим беришни янги сифат даражасига кўтаришни тақозо қилади. Бизнинг фикримизча бундай глобал муаммоларни ечими маълум маънода куйидагиларга боғлиқ бўлиб қолади.

- 1). Табиий гуманитар ва техник фанларни ривожлантириш мақсадида, бу соҳа билан шуғулланувчи субъектлар (талабалар, олимлар, инженер-техник ходимлар ва бошқалар) учун маълум “имтиёзлар” жорий қилиш;

2). Таълим беришнинг барча соҳаларида замонавий усуллардан фойдаланишга алоҳида эътибор бериш ва зарурий дастурларни қабул қилиш;

3). Таълим жараёнига янги педагогик технологияни жорий қилиш (алмисокдан қолган стендлар, кўргазмали қуроллар ўрнига замона талабидан келиб чиққан ҳолда таълимга илғор виртуал стендлар, компьютерларни тадбиқ қилиш);

4). Таълим беришда “Интернет” тармоғи хизматидан унумли фойдаланиш;

5). Сунъий интелект ролининг ортиб бораётганлигига эътиборни қаратиш;

6). Фан-техника ютуқларидан бевосита ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишни янги сифат даражасига кўтариш;

7). Информация алмашув, информацияларни қайта ишлаш динамикасининг ортиши жамият тараққиётида ижобий самара беришига эришиш катта аҳамиятга эга эканлигини англаб етиш ва шу асосда зарурий чора-тадбирларни кўриш;

8). Таълим беришда ижодкорликни қўллаб-қувватлаш ва маълум даражада рағбатлантириш;

9). Таълимнинг турли бўғунларида (мактаблар, лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий мактаб) иқтидорли талабаларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни юксак савияда билим олишига эришиш.

Санаб ўтилган биндлар таълим равнақи учун характерли жиҳатлари юқоридаги муаммоларни ечимига интилишда такомилга етган тасниф деб қараш ҳам нотўғри бўлар эди. Бу таснифни турли фан вакиллари нуктаи – назари билан керагича бойитиш мумкин. Ушбу келтирилган характерли жиҳатлари ҳисобга олган ҳолда таълим тизимида қуйидагиларга риоя қилинса таълим борасида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” олдимизга қўйган долзарб муаммоларни ечимини топишда кутилган самарадолликка ва натижаларга эришиш мумкин.

1). Семинар ва амалиёт дарсларида талабалар сонини 8-12 тагача келтириш;

2). Дарс жараёнида ҳар – бир талаба билимини баҳолашга эришиш;

3). Рейтинг тизими асосида талаба билимини баҳолашда эмперик рейтинг “сўровидан” бир мунча такомиллашган, рейтингнинг маълум даражада мураккаблашган (муаммони ечимини тўлароқ қамраб оладиган) тизимига ўтишга эришиш;

4). Назарий ва амалий дарслар давомида талабанинг фаоллигини ошириш ва унинг мустақил фикрлай олишига эришиш;

5). Талабанинг олган назарий билимларини амалиётда текшириб кўриш имкониятини ўзига юклаш;

6). Таълим жараёнида ноанъанавий усулларни қўллаган ўқитувчиларни (агар бу ноанъанавий усуллар билим олишда ижобий самара берса) моддий ва маънавий рағбатлантириш;

7). Талабаларга таълим беришда маънавий меросдан унумли фойдаланиш, таълимнинг маънавий жиҳатларига ахлоқ, одоб, ватанпарварлик жиҳатларига асосий эътиборни қаратиш;

8). Талабалар онгига фан учун ажратилган “мустақил таълим олиш” соатларидан унумли фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, бу соатларда талабалар билимини баҳолашда ўзига хос тарзда ёндашиш ва талабаларда дарсларга мустақил тайёрланиш кўникмаларини шакллантириш;

9). Таълим – тарбия жараёнига сестимали ёндашув (Маълумки фан тараққиётига сестемали ёндашув борасида ўзига хос бой тажриба тўпланган.² Лекин таълим – тарбия жараёнига системали ёндашув борасида айтарлик тилга олиш мумкин бўлган иш қилинган эмас).

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, масофали таълим ХХІ –асрни характерли таълим тизими бўлиши кўтилмоқда. Турли тараққий қилган мамлакатларда масофали таълим тизимига ўтилмоқда. Россияда 200 дан зиёд олий ўқув юртларида масофали ўқитиш институтлари ишлаб турган бўлса, АҚШда 900 га яқин университетлар ва коллежлар, Японияда 500 га яқин университет, коллежлар шу таълим туридан унумли фойдаланмоқда.

Масофали ўқитиш бир қатор афзалликларга эга: 1). У бошқа таълим тизимларига қараганда анча арзон; 2). Ҳар бир талаба қайси мамлакатда яшамасин ўз уйида иш жойида ажралмаган ҳолда мустақил таълим олиш имкониятига эга; 3). Бу таълим тизими энг янги таълим, ахборот технологияси “Интернет”га асосланганлиги туфайли жаҳон миқёсидаги ахборот билан таъминланади ва бу таълим сифатига самарали таъсир кўрсатади. Масофали ўқитиш медиа, мултьемедиа, гипермедиа каби таълимнинг ташкилий технологик моделларига асосланади ва таълим бериш жараёни виртуал университетлар ёрдамида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистон таълим тизимида ҳам таълим жараёнига янги технологияни киритиш орқали масофали ўқитишга эътиборни қаратилса ва масофали таълим беришнинг ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан яхшиланишига эришилса бу мамлакатимизни келажагини юксакликка эришишида мувоффақият гарови бўлиб хизмат қилиши муқаррардир. Маълумки “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да, ўқув дастурларида талабаларнинг мустақил таълим олишига муҳим эътибор қаратилган. Мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётини буюкликка олиб чиқишга қодир бўлган мутахассисларни тайёрлаш маълум маънода таълим жараёнига илғор технологияларни жорий қилишга боғлиқ. Бундай кадрлар ҳар тамонлама етук, билимли, мустақил фикрлай оладиган, изланувчан бўлишлиги ҳаммага аён дир.

Фан ўқитувчиси мустақил таълимнинг шакли ва мазмунини аниқлаб берса, олий даргоҳ деканлари талабаларнинг бюджетидан келиб чиққан ҳолда мустақил таълим беришини белгилайди ва назорат қилади. Мустақил таълимнинг муваффақияти кўп жиҳатдан бу жараёни юксак савияда ташкил қилинишига боғлиқдир. Бунинг учун эса, асосий эътибор талабанинг

² Қаранг: И. Негматов...

ўқув, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлашни, улардаги рационал ғояларни ажратиб олишни, рефератлар ва докладлар тайёрлашни, назарий билимларни амалиётда текшириб кўришни, илмий билишнинг бир қатор усуллари (аналогия, формаллаштириш, умумлаштириш, математиклаштириш, моделлаштириш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция ва бошқалар)дан унимли ва ўз ўрнида фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилишга, ҳулосалар чиқаришга йўналтирилиши керак.

Мустақил таълимни ташкил этилиши жараёни узликсизлик тамойилига асосланиши керак. Яъни ўқув дастурини тузишда маъруза ва амалий машғулотлар пайтида қамраб олиниш имконияти бўлмаган мавзулар, саволлар, муаммолар мустақил таълим таҳлил объекти сифатида қаралиши лозим. Шундай қилинсагина қаралаётган фан баҳс мавзуларини тўлалигича қамраб олишга муваффақ бўлинади. Таълим жараёнида маъруза, амалий машғулот ва мустақил билим бериш узликсизлиги таъминлансагина талабалар мазкур фандан юқори ўзлаштириш кўрсаткичига эришиши муқаррар. Мустақил таълим самарасини аниқлашда очиқ тест сўровлари, коллоквиум, рефератлардан фойдаланган мақсадга мувофиқдир. Муаммоли дарсларни ташкил қилиш, фаннинг ривожланаётган йўналишларидан талабаларнинг ҳабардор қилиб туриш ҳам ушбу фанга талабалар қизиқишини оширади ва мустақил таълим самарадорлигини орттирувчи омиллар бўлиб ҳисобланади.

Ўқув жараёнида мультимедиа усулини қўллаш, керакли материаллардан тезкорлик билан фойдаланиш, зарурат бўлганда улардан самарали фойдаланиш ва мустақил ўрганиш, ҳулосалар чиқариш имконини беради. Мультимедиа деганда замонавий компьютерда товушни, турли маълумотларни сақлаш ва беришни ҳар хил усуллариини ўзаро боғловчи технология тушунилади. Мультимедиа тизимини таълим жараёнида қўллаш бир вақтнинг ўзида турли тасвирларни товуш ва матн билан биргаликда олиб бориш ҳисобига таълим жараёнининг, талабаларнинг ўзлаштириш сифатига самарали таъсир кўрсатади ва маълум маънода ўқитувчини ҳам, талабани ҳам вақт бюджетини тежашга ҳам ёрдам беради. Мультимедиа тизими айниқса амалиёт дарслари самарадорлигини оширишда жуда ҳам қўл келади деб ҳисоблаймиз.

1 мавзу: Мантиқ фани предмети ва тўғри фикрлашнинг асосий формал мантиқ қонунлари.

Режа:

- 1. Мантиқ фанининг баҳс мавзуси ва уни ўрганишнинг аҳамияти.**
- 2. Билиш. Тафаккур мантиқ фанининг ўрганиш предмети сифатида.**
- 3. Тил - ахборот белгилари системаси.**
- 4. Ҳукмлар мантиғи ва предикатлар мантиғи тили.**
- 5. Тўғри фикрлашнинг асосий қонунлари**
 - а) Айният ва зиддиятсизлик қонуни.**
 - б) Учунчи истисно ва етарли асос қонуни.**

Барча фанларда бўлгани каби мантиқ фани ҳам ўзининг аниқ баҳс мавзусига эга. Мантиқ - логика сўзи грекчадан олинган бўлиб “сўз”, “фикр”, “ақл” маъноларини билдиради. Мантиқ сўзи билиш жараёнида икки хил маънони англатади.

Биринчидан, мантиқ сўзи табиатдаги нарса ва ҳодисалар тараққиётидаги бевосита алоқадорлик жараёнини, ўрганиш объектив мантиқ, ва аксинча у объектив нарса ва ҳодисаларни ифодаловчи фикрлар, сўзлар, боғланишини, изчиллиги, тафаккур тараққиёти қонунларини ўрганадиган бўлса - тафаккур мантиғи ёки субъектив мантиқ деб юритилади.


Иккинчидан, мантиқ фани деганда тафаккур тараққиёти қонунлари, шакллари ва усулларини ўрганадиган фанга айтилади.

Одатда биз яшаш жараёнида мантиқ сўзини объектив равишда мавжуд бўлган ҳодисалар, воқеалар, нарсаларнинг тараққиётидаги ички бир боғланишли жараён сифатида тушунишимиз мумкин. Ёки инсонларнинг сўзидаги, нутқидаги мантиқ ҳақида борадиган бўлса, у вақтда нарса ва ҳодисалар тараққиётидаги қонунийли жараён ҳақида эмас, балки бизнинг шу нарса ва ҳодисалар ҳақидаги фикрларимиз, муҳокамамиз, мулоҳазаларимиз ва бошқалар ҳақида боради.

Фикрлар боғланиши ва тараққиётидаги ички зарурий қонуният нима ва у қандай билиб олинади деган саволга жавоб берайлик. Бу қонун авваламбор бизнинг хоҳишимиз иродамиз, рухий ҳолатимизга боғлиқ эмаслигини таъкидлаб ўтиш лозимдир. Бу қонунлар бевосита объектив дунё нарса ва ҳодисалари орасидаги боғланиш характериға боғлиқдир. Шунинг учун ҳам тафаккур мантиғи ядросини нарсалар мантиғи ташкил қилади. Яъни тафаккур мантиғи нарсалар мантиғи (объектив мантиқ)нинг инъикосидир.

Инсонлар тафаккурдаги муҳокама ёрдами билан бир ҳукмдан иккинчи бир ҳукмни келтириб чиқариб, фикрда акс эттирилувчи нарса ва ҳодисалар орасидаги изчил қонунийли боғланишни аниқлайди. Маълумки, билиш воқеликнинг инсон миясидаги субъектив образи, воқелик инъикосининг олий шаклидир. Шу маънода мантиқ фанининг умумий фалсафа фани билан

билиш жараёнидаги алоқадорлиги билиш босқичларида яққол кўрсатилса мақсадга мувофиқдир. Яъни:



Ҳиссий билиш шакллари фалсафа фанида мукаммал қараб чиқилганлигини ҳисобга олган ҳолда бу ерда мантиқий билиш ва унинг шаклларига асосий эътиборни қаратамиз.

Ҳиссий билиш – сезги, идрок, тасаввур орқали юзага чиқадиган бўлса, тафаккур ҳам тушунча, ҳукм ва хулосалаш орқали мавжуд бўлади. Булар ҳаммаси объектив борлиқ предмет ва ҳодисаларнинг мавҳум тафаккурда ифодаланиш шакллари.

Тушунча маълум предметлар, ҳодисалар хусусиятларининг умумий ва муҳим белгиларини яхлит ҳолда ифодалайди. Масалан “ҳосила”, “интеграл”, “мустақиллик” ва бошқалар.

Ҳукм предмет, ҳодиса ёки хислатлар ўртасидаги алоқа, муносабат, боғланиш жараёнини ифодалайди. Масалан “интеграл математик тушунчадир”, “чинор дарахтдир”. Ҳукм бир предмет ҳодиса тўғрисидаги тасдиқ ёки инкор тарзида келган фикрдир.

Хулосалар ёки хулоса чиқариш икки ёки ундан ортиқ предметлар ўртасидаги боғланиш, муносабатларни ифодалайди ва янги билимни вужудга келтиришнинг муҳим ва асосий усули ҳисобланади. Масалан, “Аҳмадинсондир”, “Инсонлар онгга эгадир”. “Демак Аҳмад онгга эгадир”.

Тафаккур келтирилган асосий шакллардан ташқари ўзининг махсус қонунларига ва бу қонунларнинг тўғрилигини таъминловчи принципларга қоидаларга ҳам эга. Тафаккур қонунлари, принциплари бузилса, унда фикрлар тўғри бўлмайди, бу фикрлар воқеиеликни тўғри акс эттирмайди. Тафаккурнинг барча шакллари, қонун-қоидалари ва усуллари объектив характерга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш лозимдир. Тафаккур, унинг шакллари, қонун-қоидалари ва усуллари объектив воқеиеликдаги буюм ва ҳодисалар, улар ўртасидаги турли алоқадорлик ва муносабатларнинг инсон миёсидаги умумлашган, муҳим, мавҳум ифодаси ва инъикосидир. Тафаккур

объектив воқиеликни оддийгина акс эттирибгина қолмасдан, балки айрим, якка нарса ва ҳодисалардаги умумийликни қидирувчи мураккаб жараёндир.

Биз тафаккур ёрдамида онгимиз мазмунининг чин ёки хатолигини текшираемиз. Бунинг учун инсон онгида ҳосил қилган фикрни объектив воқиелик билан солиштириб кўриш керак. Тафаккур воқиеликка зид бўлмаса, у ҳолда у чин бўлади. Тафаккур воқиеликка фақат бевосита балки воситали билишга ҳам кўмаклашади. Масалан, инсон мегаоламдаги, микрооламдаги айрим нарса ва ҳодисаларни тўғридан-тўғри била олмайди. Уларни инсон воситаларорқали билиб олади. Тафаккур жараёнининг ривожланиши, илмий билиш жараёнининг чуқурлашиб бориши билан инсонлар воситали билишдан ҳам қандайдир маънода ҳосил бўла бошлайди. Яъни инсон тафаккурининг яна бир янги хислати янги муаммолар қўйиш қобилиятидир. Инсонлар бу билан буюм ва ҳодисаларнинг янги қирраларини гипотеза-фараз йўли билан кашф қила бошлайди. Инсон онгида объектив воқиеликнинг инъикоси сифатида ҳосил қилинган ҳар қандай чин фикр муайян мазмун ва ўзига хос шаклга эга бўлади, ҳамда у тафаккур қонунларига, принципларига бўйсинади. Тафаккур шаклини фикрлар тузилиши, уларнинг боғланиши, муносабатларнинг ифодаси ташкил қилади. Конкрет фикр — тушунчада ифодаланган билимдан тафаккурнинг мазмуни ташкил топади. Мазмун ва шакл узвий боғлангандир.

Ҳукм мазмуни турлича бўлишига қарамай, улар боғланиш, умумийлик бир хилликка эга бўлади. Шунинг учун ҳам ҳукм шакли ҳақида гап бораётганда биз диққатимизни унинг конкрет мазмунидан четлаштирамиз. Масалан, “ҳамма илғор инсоният – тинчлик тарафдори”, “ҳамма металллар – электр токи ўтказувчилар”, “ҳамма ўсимликлар-организмлар” десак, бу ҳукмлар турли мазмунга эга бўлган ҳукмлар бўлсада, улар ҳаммаси бир хил шаклдаги тасдиқловчи ҳукмлардир.

Мантиқда мантиқий шакл баён этилган тасдиқ ҳукмлар қуйидаги схемада ифодаланади: “Ҳамма – S-P дир”.

S – схемадаги ҳукмнинг мантиқий субъектини,

P – эса ҳукмнинг мантиқий предикатини ифодалайди.

Шунинг учун мазмун жиҳатдан турлича бўлган жуда кўп умумий фикрлар учун мантиқий шакл бир хилдир.

Бундан ташқари ҳукмлар шартли ҳукмлар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, Агар талаба меҳнатсевар ва интизомли бўлса, у ҳурматга сазовор бўлади. Агар сим орқали электр токи ўтса, сим атрофида магнит майдони пайдо бўлади. Бу икки ҳукмда мантиқий шакл юқорида баён этилган ҳукмлар шаклидан фарқ қилади. Юқоридаги ҳукмлар “ҳамма” сўзи билан бошланиб, S — учун P – нинг катта ҳизмати борлигидан дарак бераётган бўлса, пастдаги икки ҳукм “агар” сўзи билан бошланиб, S билан P орасидаги муносабатда қандайдир бир шарт борлигидан дарак беради.

Шундай бўлсада, бу икки ҳукм бир шаклдаги мантиқий фикрни ташкил этган. Шартли ҳукмлар шакли қуйидаги схемада ёзилади. “Агар S - P бўлса, унда $S_1 - P_1$ дир”. Бундай формула фикрнинг формал мазмунини ташкил этади. Юқоридагиларга асосланиб, тафаккур шакли муайян типдаги буюмлар

муносабатини акс эттирувчи мантикий усул деб айтиш мумкин. Тафаккур қонунлари. Тафаккур қонунлар чин билимга эришиш мақсадига хизмат қиладиган тўғри фикрлашнинг аниқ нормаларидир. Тафаккур қонунлари ўз ҳолатлари билан икки гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳ. Хусусий аҳамиятга эга бўлган қонунлар, тафаккур жараёнининг айрим қонунлари ёки қоидалари, яъни тушунчанинг таърифланиши, катъий силлогизм тузиш қоидалари ва бошқалар.

Иккинчи гуруҳ. Тафаккур фаолиятини умуман характерловчи, яъни умумий аҳамиятга эга бўлган тафаккурнинг мантикий қонунлари.

Тафаккурнинг мантикий қонунларига айнаёт, зиддият, учунчиси мустасно ва етарли асос қонунлари киради ва улар объектив асосга эгадир. Мантиқ мустақил фан сифатида тафаккурнинг табиий, зарурий қонунлари, шакллари, фикрлаш усуллари ўрганади. Мантиқ илмини хусусиятлари тўғрилиқ ва чинлиқ тушунчаси, уларнинг ўзига хос хислатларини тўғри англаш билан ўзвий боғлиқдир. Чинлиқ бу фикрлиқнинг реал воқеелиқдаги муносабатларга мос келиш-келмаслигини ифодаласа, тўғрилиқ фикрлар боғланишининг, фикр шакллари ўртасидаги боғланишнинг мантикий қоидаларига мос келиши ва келмаслигини ифодалайди, фикр тўғрилиги пировардида чинлиққа бўйсунди ва у билан ўлчанади.

Тафаккурнинг шакллари ва мазмуни ўртасидаги муносабат тафаккурнинг умумий чинлиги фалсафанинг билиш назариясида ўрганилса, тафаккурнинг тўғрилиги, фикр қонун-қоидаларига мос келиши шу чинлиқнинг зарурий қисми сифатида мантиқ фани тушунча ва ҳукмларнинг конкрет мазмунидан мавҳумлашган ҳолда уни умумий томонларини ўрганишдадир. Бу тафаккурнинг шаклини унинг мазмунидан ажратиб қўйиш деган фикрни бермайди. Шакл ва мазмун ўртасидаги боғланишни диалектика очиб беради. Тафаккурда шакл, чинлиқ ва тўғрилиқ ҳар доим ўзaro алоқадорлиқда мавжуддир. Мантиқ фани тафаккур шакллариини предметларининг конкрет мазмунидан мавҳумлашган ҳолда ўрганади. Мантиқ фани бу жиҳатдан грамматика ва геометрия фанига ўхшаб кетади. Грамматика тилнинг қонун-қоидаларини, гап тузилишини уларнинг конкрет мазмунидан мавҳумлашган ҳолда ўрганади. Геометрия ҳам конкрет нарсa ва ҳодисаларни уларнинг мазмунидан мавҳумлашиб, турли фигураларни ўрганади. Мантиқ Арестотель давридан маълум ва у турли даврларда формал, умумий, классик ёки анъанавий мантиқ деб аталиб келинмоқда. Мантиқ тушунча, ҳукм, ҳулоса чиқариш исбот этиш ва раддия орқали объектив воқеелиқни акс эттиради ва бу жараёнларда инсон фикрининг аниқ, равшан, кетма-кет ва асосли бўлишини таъминловчи фандир. Маълумки фалсафа умумий алоқадорлиқ жараёнини, энг умумий қонунларини ўрганади. Мантиқ фанига тил қоидалари ҳақидаги фан-грамматика яқин туради. Улар фойдаланиладиган категориялар системаси, қоидалари, пресциплари ўзгача бўлсада тил ва тафаккурнинг ўзвий боғлиқлиги бу фанлар муносабатида ҳам намаён бўлади.

Мантиқ илми грамматика фани билан ўзвий алоқадорлиқдадир. Грамматика турли тилларда турлича бўлсада, мантиқ илми моҳият жиҳатдан

бир хил. Мантиқ фани – инсонга хос бўлган чин тўғри тафаккурнинг шакл, қонун-қоидалари, принцип нормаларини ўрганади. Тафаккур тил билан ўзвий боғланган. Тил фикримизни бевосита мавжуд бўлишини таъминлайдиган ва кишилар ўртасида алоқа ўрнатишга хизмат қиладиган ахборот белгиларини системасидан иборат. Маълумки тафаккур оламни мавҳумлаштириб ва умумлаштириб акс эттирадиган идеал ҳодисадир. Нутқ оғзаки ва ёзма шаклда мавжуд бўлиб, унда фикримиз моддий шаклга, яъни ҳиссий идрок этиладиган шаклга киради. Белги бошқа бир предметнинг вакили вазифасини бажарувчи ҳамда у ҳақда маълум бир хабарлар бериши, уни сақлаш, қайта ишлаш ва узатишга имконият яратувчи моддий предметдир. Ҳар қандай белги ҳам тил белгиси бўла олмайди. Тилга алоқаси бўлмаган белгиларга нусха белгилар киради. Масалан, бармоқ изи, фотография карточкаси. Тилга алоқаси бўлмаган белгиларга яни индекс-белгилар ҳам киради. Масалан, ишёқмаслик-дангасалик белгиси, тутин - олов белгиси. Тил белгиси символ-рамзлар шаклида мавжуд бўлиб, ўзи ифода қиладиган предметлар билан тузилишига кўра ҳеч қандай умумийликка эга эмас. Тил белгилари ўз мазмунига ва маъносига эга. Тил белгиси мазмунини у ифода қилаётган, кўрсатаётган объект ташкил қилади. Масалан, “аудитория” сўзи реал мавжуд объектни – аудиторияни аксэтирувчи фикр мазмунини ифода этади. Тил белгисининг маъносини эса у ифода қиладиган объектнинг характеристикаси ташкил этади. Масалан, “аудитория” сўзининг маъносини машғуллот ўтказиш учун мўлжалланган хона каби фикр ташкил қилади. Тил белгиларини яратишда Аристотель, Лебницлар катта иш қилганлар. Лекин тил белгилари ҳақидаги фан семиотикага америкалик файласуф Чарльз Пирс (1839-1914) асос солган. Семантикада тил белгилари уч йўналишда анализ қилинади.

1. Семантика – белги билан ифода этиладиган объект ўртасидаги муносабатни ўрганади.

2. Прогматика – кишиларнинг белгиларга муносабатини ўрганади.

3. Синтаксис – белгилар ўртасидаги муносабатларни ўрганади.

Яъни: мантиқ фанини кўпроқ тил белгиларининг семантикаси қизиқтиради.

Тил табиий ва сунъий тил тарзда мавжуд бўлади. Табиий ёки миллий тиллар тарихан шаклланган товушлар (нутқ) ва графика (ёзув)нинг ахборот белгилари системасидан иборат. Табиий тиллар оламни билиш жараёнида ўзига хос устунликка эга бўлсада, бу тил билан билиш жараёнида айрим қийинчиликларга дуч келинади. 1) Табиий тилдаги сўзларнинг маъноси вақт ўтиши билан ўзгариб боради. 2) Табиий тилда бир сўз бир қанча тушунчани ифода қилиши (омонимлар) ёки бир тушунча бир қанча сўзларда ифода қилиниши (синонимлар) мумкин. 3) Табиий тилдаги баъзи сўзлар ёрдамида ифода қилинган фикр аниқ маънога эга бўлмай қолади. (Масалан, Аҳмад мантиқ фанини унчалик яхши билмайди).

Сунъий тил табиий тил негизида яратилган ёрдамчи информатсион белгилар системасида иборат бўлиб, у мавжуд ахборотлар, хабарларни аниқ ҳам тежамли баён қилиш ва узатиш учун хизмат қилади. Сунъий тилда сунъий йўл билан яратилган махсус белгилар, яъни символлар – рамзлар

ишлатилади. Табиий тилдаги конкрет мазмунга эга бўлган фикрлар илмий билишда ана шундай символлар билан алмаштирилади. Сунъий тил ҳозирги замон фани техникаси ривожда ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Уларнинг айниқса математика, физика, кимё, кибернетика фанларда ҳиссаси каттадир. Фанда яна илмий тилдан фойдаланадики, у табиий тилни, сунъий тилни ва махсус атамаларни ўзида жамлайди. Умумий мантиқ ўзининг махсус илмий фармаллашган тилига эга. Фармаллаштириш аниқ мазмунга эга бўлган фикрларни символлар билан алмаштириш, яъни пропозиционал функция ҳосил қилиш, формулалар киритиш мантикий қоидаларни яратиш орқали тафаккурнинг структурасини ифода қилиш демакдир. Тафаккурнинг структураси билан мантиқнинг тилда ифода қилиниши структураси ўртасида ўзаро мувофиқлик мавжуд. “Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти” деган фикрдаги “Тошкент” тушунчаси – S, “Ўзбекистоннинг пойтахти” тушунчасини – P билан алмаштирак S-P пропозиционал функция ҳосил бўлади.

Формаллашган тил қуйидаги талабларга жавоб беради.

1. Асосий белгалар аниқ ифода қилинган бўлиши керак Бу белгилар асосий тушунчалар, атамаларни ифода қилиб келади.
2. Формулаларни шакллантиришнинг барча қонун ва қоидалари олдиндан берилган, яъни маълум бўлиши керак.
3. Мантикий хулоса чиқариш қоидалари умумийлигига келтирилган бўлиши лозим.
4. Таърифлашнинг барча қоидалари аниқ-равшан кўрсатилган бўлиши керак.
5. Белгиларга изоҳ берилиши лозим.

Формаллашган тил бир қатор афзалликларга эга: 1) бу тил ёрдамида чинлиги аниқланган бир конкрет формула ёрдамида чин фикрни ифода қилувчи худди шундай формула келтирилиб чиқарилади. 2) Мантикий хулоса чиқаришда кўзда тутилмаган асосларнинг қатнашиб қолиши мумкин эмас. 3) Маълум соҳа учун ҳосил қилинган формал тилдан бошқа бир соҳада ҳам унумли фойдаланиш имконияти мавжуд бўлади (математик мантиқда бажариладиган кўпгина амаллар фармаллашган тилнинг ушбу хусусиятдан кенг кўламда фойдаланади). Тафаккурнинг мантикий шаклини ўрганишда семантик категориялар муҳим аҳамиятга эга. Семантик категорияларнинг тил ифодаларининг синфларидан иборат бўлиб, улар бир-биридан қандай объектларни акс эттириши билан фарқ қиладилар. Асосий семантик категориялар қаторига гап ва унинг таркибида нисбатан мустақил ҳолда мавжуд бўлган қисмлари - дескриптив ва мантикий атамалар киради. Гапда предметларни, уларнинг хоссаларини ва муносабатларини акс эттирувчи ифодалар дескриптив атамалар дейилади. Дескриптив атамалар предметлар номалар ёки термалар (предметларни, предметлар тўпламини акс эттирувчи ифодалар) ва предикаторларга (предметларнинг хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи ифодалар) бўлинади. Предмет номи белгидан иборат бўлгани учун ўз мазмуни ва маъносига эга. Номнинг мазмуни предметни ифода қиладди ва денотат деб аталади. Номнинг маъноси

предметнинг муҳим, умумий белгиларини ифода қилади ва концепт деб аталади. Предикаторлар гапда кесим ўрнида келади ва ўзи таллуқли бўлган номнинг микдorigа боғлиқ ҳолда бир ўринли ва кўп ўринли бўлиши мумкин.

Мантикий атамалар (мантикий канстанталар) доимий мантикий қийматга эга бўлиб, гапда дескриптив атамаларни боғлашда ишлатилади. Улар ўзбек тилида “ва”, “ҳам”, “ҳамда” “ёки” “ёхуд” “барча”, “ҳеч бир”, “баъзи”, “эмас” каби сўзлар орқали ифодаланади ва турли хил ҳукмларни ҳосил қилувчи элементлар ҳисобланади. Масалан: “Ҳеч бир товар қийматсиз эмас” деган фикрда “товар”, “қиймат” сўзларининг “ҳеч бир”, “эмас” мантикий атамаларсиз боғлаб бўлмайди. Мантикнинг формаллашган тилини яратишда семантик категорияларни аниқ таърифлаш ва уларни конкрет символларда ифодалаш керак. Ана шу символлар формаллашган тилнинг алифбоси ҳисобланади. Мантиқда икки тил - предикаторлар мантиғи тили ва ҳукмлар (мулоҳазалар) мантиғи тили мавжуд.

Ҳукмлар (мулоҳазалар) мантиғи ҳукмларнинг ички тузилишини ўрганишдан четлашиб, уларнинг ўзаро мантикий алоқасини ҳисобга олган ҳолда муҳокама юритиш жараёнини анализ қиладиган формаллашган мантикий системадир. Ҳукмлар мантиғи тили алифбони, ифодалар таърифларини ва уларнинг талқин қилинишини ўз ичига олади. Ҳукмлар мантиғи тили алифбоси қўйдагилардан ташкил топган.

1) $p, q, r \dots$ пропорционал ўзгарувчилар, ёки ҳукмлар учун символлар.

2) $\wedge$ - конъюнкция белгиси; “ва”, “ҳам”, “ҳамда” боғловчиларига тўғри келади. Масалан: “Доклад тугади (P) ва унинг муҳокамаси бошланди (q)” деган ҳукмни $P \wedge q$ шаклида ифода этиш мумкин.

3) V – дизъюнкция белгиси “ё”, “ёки”, “ёхуд” боғловчиларига тўғри келади. Масалан: Электр токи ё ўзгарувчан (P) ё ўзгармас бўлади (q) ҳукми $P \vee q$ шаклида ёзилади.

4. $\rightarrow$ импликация белгиси. У “Агар ... бўлса - ... бўлади” деган мазмунни билдиради. Масалан: “Агар талаба мустақил ишласа (P), ўқув материалларини яхши ўзлаштиради (q)” деган ҳукм $P \rightarrow q$ шаклида ёзилади.

5. $\leftrightarrow$ эквивалентлик белгиси. Унга “Фақат ва фақат шундаки” деган ибора тўғри келади. Масалан: “Фақат жуфт сонларгина” (P) 2 га қолдиқсиз бўлинади (q) ҳукми $P \leftrightarrow q$ шаклида ёзилади.

6. “-” инкор қилиш белгиси. Масалан: “Анвар талабадир” (P) ҳукм “Анвар талаба эмас” $\bar{P}$ ҳукмига айланади. Яъни: P ўзининг инкори $\bar{P}$ га ўзгаради.

Предикаторлар мантиғи муҳокама пайтида ҳукмларнинг ички тузилишини ҳисобга олган ҳолда ўрганувчи формаллашган мантикий системадир. Предикаторлар мантиғи алифбоси ҳукмлар мантиғи алифбосига символлар қўйиш орқали ёзилади.

1. $a, b, c, \dots$; - предмет номларини ифодаловчи символлар ёки константалар.

2. $x, y, z, \dots$; - предметларнинг умумий номларини билдирувчи символлар.

3. $P^1, Q^1, R^1 \dots P^2, Q^2, R^2 \dots P^n, Q^n, R^n$ – предикаторлар учун символлар; бунда 1- бир ўринли предикаторни, 2 – иккинчи ўринли предикаторни, n-н ўринли предикаторларни билдиради.

4. Ҳукмнинг миқдорини билдирувчи символлар: $\forall$ - умумийлик квантори “барча”, “ҳар бир”, “ҳеч бир” каби сўзлар тўғри келади. “Барча фуқаролар меҳнат қилиш ҳуқуқига эга” деган ҳукм $\forall x P(x)$ кўринишида ёзилади.

5. $\exists$ - мавжудлик квантори. Унга “баъзи”, “айрим” сўзлари тўғри келади. Масалан: «Баъзи талабалар ёмон ўзлаштиради» деган ҳукм $\exists x P(x)$ кўринишида ёзилади.

Қонун фалсафий маънода воқийликдаги нарсa, ҳодисаларнинг ички, зарурий, такрорланувчи, муҳим боғланишлари бўлиб, бунда уларнинг муайян фазо ва вақтдаги мавжудлиги, моҳияти намоён бўлади. Қонунлар объектив характерга эга эканлиги, уларнинг амал қилиши кишиларнинг ҳоҳиши, иродасига боғлиқ эмас. Қонунлар кишилар томонидан яратилмайди, балки кашф этилади. Шунга кўра фалсафий маънода қўлланиладиган қонунларни юридик қонунлардан (социал, норма, тамойиллари мажмуи) фарқлаш лозимдир. Мантикий қонунлар инсон билишининг қонунлари бўлиб, уларнинг амал қилиши ҳам объектив характерга эга. Тафаккур қонунлари фақат инсон мияси фаолияти билан бевосита боғлиқлиги, шунингдек, унинг ўзига хос хоссаси сифатида мавжудлиги нуқтаи назаридангина субъектив характерга эгадир. Мазкур қонунлар, гарчи конкрет шахс фикр юритиши жараёнида амал қилсаларда, лекин моҳиятан умуминсоний характерга, қимматга эгадир.

Тафаккур қонунлари фикрнинг изчил зарурий ва муҳим боғланишлари қонунлари шу маънода тўғри фикр юритишнинг асосий тамойиллари (принциплари) ҳисобланади. Аниқлик, изчиллик, зиддиятсизлик, исбот этилганлик тафаккурнинг (тўғри фикр юритишнинг) асосий тамойилларидир. Мазкур тамойиллар тўғри фикрлашнинг қонунларидир. Тафаккур қонунлари табиат, жамият қонунларидан фарқли равишда инсон миясида кечувчи мураккаб жараён фикр юритишнинг қонунларидир.

Фикр тафаккур қонунларини диалектик ва формал (шаклий) мантик фанлари ўрганади. Диалектиканинг барча қонунлари айна пайтда тафаккур, фикр жараёнида ҳам амал қилади. Диалектик мантиқ тафаккурни ривожлантиришда, сифатдан ўзгаришда, билиш жараёнининг муҳим томони сифатида ўрганади. Диалектикада инкорни-инкор қонуни ўрганилади. Шаклий мантиқ ҳам инкор усулини ўрганади, лекин бунда инкор этилган ҳукмдан (мазмунидан) ҳеч нарсa сақлаб қолинмайди, балки бутунлай инкор этилади. Масалан, муайян мураккаб муҳокама тизимидаги бирор ҳукм хато бўлса, мазкур муҳокама бутунлай хато бўлса, мазкур муҳокама бутунлай хато деб ҳисобланади. Шунингдек агар берилган ҳукм чин бўлса, унда унга зид, қарама-қарши мазмундаги ҳукм хато бўлади. Формал мантиқ тафаккурни шаклий жиҳатдан, яъни фикр элементларининг ўзаро тўғри боғланишини (ички, зарурий) таъминлаш асосида ўрганилади. Формал мантиқ қонунлари диалектик мантиқ қонунларга нисбатан хусусий бўлиб, у

тафаккур элементлари ўртасидаги боғланишнинг тамойиллари мажмуини ташкил қилади. Тафаккур қонунлари билишнинг барча соҳалари (илмий, бадиий) учун бирдек амал қилади. Мазкур қонуннинг методологик функцияси уларнинг чин ҳақиқатларга эриштириш, тафаккур маданиятини шакллантиришга хизмат қилишлиги билан белгиланади. Формал мантиқ қонунлари тўртта: айният, зиддиятсизлик, учинчиси истисно, етарли асос қонунилари. Дастлабки учта қонун Аристотель томонидан, тўртинчи қонун эса Лейбниц томонидан кашф қилингандир. Бу қонунлардан ташқари муҳим бўлмаган формал мантикий қонунлар ҳам мавжуд. Улар фикр шакллариининг баъзи бирлари учун таалукли бўлиб, мантикий усуллар тарзида амал қилади. Бундай қонунларга тушунчаларнинг мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тескари нисбат қонуни ва бошқалар киради.

Айният қонуни мантикий тафаккурнинг энг муҳим хислатларидан бўлган ҳар бир фикр, муҳокама аниқ, равшан бўлишини ўзида ифодалайди. Мантикий тафаккурнинг бу хислати предмет, ҳодисаларнинг, муҳим хусусиятини, улар маълум вақт ичида конкрет шакл, кўриниш, тузилишига эга бўлиб, мазмунан айнанликни сақлаб қолишини ўзида ифодалайди.

Айният қонунининг талабига кўра, маълум муҳокама, баҳс, мунозарада ҳар бир фикр айнан бир маънода ишлатилмоғи лозим. Фикр маълум муҳокамада ўз маъносини айнан сақлаб қолади, яъни у ўзига айнандир.

Бунинг формуласи $A - A$ ёки $A - B$ бу A дир. Шундай бўлсада, онгли ва онгсиз тарзда “тушунчани ўзгартириб қўйиш” ҳоллари учрайди.

Масалан. Мол – уй ҳайвони.

Магазинга мол келди.

Демак, магазинга уй ҳайвони келди.

Бу муҳокамада кулгили, беъмани хулосада “мол” сўзи икки хил маънода ишлатилмоқда, “мол” сўздан икки хил тушунчада фойдаланилмоқда – биринчи асосда “мол” уй ҳайвони тушунчасини, иккинчи асосида “мол ” савдо сотиқ нарсалари - мато тушунчасини ифодалайди. Шунинг учун ҳам хулоса ҳар томонлама нотўғри бўлиб қолган. Турли тушунчаларни бундай айнан қилиб қўйиш, яъни мазкур муҳокама жараёнида бир тушунча ўрнига иккичи тушунчани алмаштириб юбориш, яъни айният қонуни талабининг бузилиши “Тушунчани ўзгартириб қўйиш” дейилади. Муҳокама жараёнида тушунчани ўзгартириб қўйиш бу муҳокама предмети, муҳокама объектини ўзгартириб юборишдир, яъни бир предмет устига фикр юрита бошлаб, иккинчи, томонан бошқа предмет ҳақидаги фикрга ўтиб кетишдир. Муҳокама предметини ўзгартириб юбориш, яъни “тушунчани ўзгартириб қўйиш” ихтиёрсиз, яъни онгсиз равишда ёки атайлаб маълум мақсад учун онгли равишда амалга оширилиши мумкин.

Софистлар “жўртага мантикий хатога йўл қўйувчилар”

Сен бу қопнинг ичидаги буюмни билмайсан.

Бу қопнинг ичида сенинг отанг.

Сен ўз отангни билмайсан.

Айният қонуни фикрнинг маъно бирлиги, айнанлиги, вақт айнанлиги ва муносабат айнанлигини талаб этади. Агар бу шарт-шароит бўлмаса айният қонуни ўз таъсирини йўқотади.

Зиддият қонунининг талабига кўра бир буюм ҳақида айтилган икки қарама-қарши фикр айна бир вақтнинг ўзида ва айна бир муносабатда бирданига чин бўлиши мумкин эмас.

Мантиқий белгилар асосида бу қонунинг формуласи $A \cdot \overline{A}$ дир. Яъни A ва $\overline{A}$ эмас, бир вақтнинг ўзида тўғри. Бу ерда A ҳукми $\overline{A}$ эса уни инкорини билдиради.

Реал ҳаёт зиддиятларини яъни диалектик зиддият билан мантиқий тафаккурдаги зиддиятни бир-биридан фарқлаш лозим. Тўғри фикрнинг зиддиятсиз бўлиши маълум шарт-шароитни тақозо этади. Бир вақтнинг ўзида, бир масалага нисбатан бир маънода икки зид фикрнинг тўғри бўлиши мумкин эмас. Лекин турли маънода, турли вақтда турли нисбатда икки зид фикрнинг мавжуд бўлиши ҳамда улар тўғри бўлиши мумкин.

Масалан: Орол кўли - катта кўл (Иссиқ кўлга нисбатан).

Орол кўли – кичик кўл (Бойқолга нисбатан) Оролнинг суви кўп (30 йил олдин).

Оролнинг суви оз (ҳозирги кунда).

Бу ҳукмлар ҳам тўғри, ҳақиқатдир, чунки улар турли нисбатда, турли вақтда нисбатан келаяпти. Вақт, фикр, муносабат, нисбат бирлигининг сақланиши зиддият қонунининг амал қилиши учун зарурий шарт-шароитдир.

Учунчиси истисно қонуни зиддиятсизлик қонуни каби бир-бирига зид бўлган муҳокамалар ўртасидаги муносабатни ифода этади. Четдан қараганда бу қонун зиддиятсизлик қонунининг такрорланишидек кўринади. Лекин бу қонунлар бир-биридан кескин фарқ қилади.

1. Агар зиддиятсизлик қонуни умуман бир-бири билан сиғишмайдиган қарама-қарши муҳокамаларга тааллуқли бўлса, учунчи истисно қонуни талаби зид муҳокамаларга тааллуқлидир. (Зид ҳукмлар қарама-қарши муносабатдаги ҳукмлардан фарқли равишда бир-бирини инкор этувчи ҳукмлар бўлиб, улар ўртасида – учинчи фикрни бўлиши мумкин эмас. Умумий тасдиқ ва жузъий инкор, умумий инкор ва жузъий тасдиқ ҳукмлари ўртасидаги муносабат зидликни ифода қилади). Масалан: “Ҳамма суд ҳукмларида айб қўйилади” – (хато) “Баъзи бир суд ҳукмларида айб қўйилмайди”- (чин), учинчи фикрга ўрин йўқ.

Қарама-қаршилик муносабатидаги ҳукмда эса учинчи фикрнинг бўлиши мумкин, бунда улар бир вақтда хато бўлиши мумкин.

“Ҳамма суд ҳукмларида айб қўйилади”- (хато),

“Ҳеч бир суд ҳукмларида айб қўйилмайди” – (хато).

Чунки бундай ҳукмлар миқдорий муносабатдаги (умумий тасдиқ, умумий инкор, жузъий тасдиқ, жузъий инкор) қарама-қаршиликларни ифода қилади. “Бу гул оқдир”, “Бу гул қизилдир” ҳукмлари қарама-қарши бўлиб, бу гул ҳақида яна бошқа ранг турларини ҳам айтиш мумкин.

“Бу гул оқдир”, “Бу гул оқ эмас” ҳукмларга қараладиган бўлса, у ҳақида учунчи фикрни айтиб бўлмайди. Чунки сариқ, пушти ва ҳ. бўлганда ҳам оқ эмас деб ҳисобланилади.

А ёки А эмас (А ёки А эмас чиндир – учинчисига ўрин йўқ) яъни: $A \vee \bar{A}$ ($\vee$ - ёки деб ўқилади).

Зидлик муносабатидаги ҳукмлар бир предмет ҳақидаги тасдиқ ва инкор фикрни ифодалайди. Бунда учинчи фикрга ўрин қолмайди.

2) Зиддиятсизлик қонуни икки зид ҳукмнинг бирини хато бўлишлигини кўрсатгани ҳолда, иккинчисининг хато ёки чин бўлишлигини очик қолдиради. Бу масала учинчиси истисно қонуни ёрдамида ечилади. Бу қонун икки зид ҳукм бир вақтда, бир нисбатда хато бўлмаслигини билдиради, уларнинг иккинчиси доимо чин бўлади. Масалан: “Бу одамни М ўлдирган”, “Бу одамни Н ўлдирган” деган ҳукмлар бир вақтда олинганда чин бўлмайди, аммо хато бўлиши мумкин. Чунки бу одамни бошқа одам ўлдирган бўлиши ҳам мумкин. Агар биринчи ҳукмга зид “Бу одамни М ўлдирган эмас” дейилса, уларнинг фақат бирини чин дейиш мумкин.

Бу қонун вужудга келган икки имкониятдан биринигина танлаш мумкинлигини ифодалайди. Бир-бирига зид ҳолат, яъни бир-бирини инкор этувчи икки имконият шаклида мавжуд бўлса, бундай ҳолат тафаккурда учинчиси истисно қонуни шаклида ифодаланади.

Масалан; қўлимиздаги қоғоз ҳозирда ёки оқ ёки оқ эмас, учинчи ҳолатнинг мавжудлиги мумкин эмас.

Бугун ёмғир ёғади ёки ёғмайди. Учинчиси истисно қонунининг ифодаланиши қўйидагича: бир-бирига зид бўлган ҳукмдан бири ҳамиша чин бўлиб, иккинчиси хатодир, учинчисининг бўлиши мумкин эмас.

Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бир предмет ҳақидаги икки зид фикр бир вақтнинг ўзида ва бир нисбатда бирданига чин ҳам, ҳато ҳам бўла олмайди, бири чин бўлса иккинчиси хато бўлади, учинчисига имконият йўқдир.

Чин фикрлашнинг аниқ, муайян, изчил, зиддиятсиз бўлишлиги юқорида кўриб ўтилган мантикий қонунларда ифодаланган бўлса, унинг исботли, ишонарлик бўлишлик хусусияти етарли асос қонунида ўз ифодасини топади.

Бу қонуннинг талабига кўра тафаккур жараёнида ҳар бир чин фикр етарли асосга эга бўлмоғи зарур, яъни ҳар бир фикр, мулоҳаза, муҳокаманинг чинлиги бошқа чинлиги исботланган фикр ёрдами билан асослаб берилмоғи керак.

Масалан: Темир электр токини ўтказади, чунки темир металдир. Ҳар бир металл электр токини ўтказади.

Фикрлаш мантикий асос ва мантикий натижа – оқибат шаклида келувчи фикрлар тизмасидан ташкил топади. Бошқа фикрларнинг – ҳукмларнинг тўғрилигини асослаш учун келтирилувчи ҳукмлар мантикий асос деб юритилади.

Таянч иборалар: Мантиқ фани предмети, объектив мантиқ, субъектив мантиқ, мантиқ ва бошқа фанлар, тафаккур, билиш, билиш босқичлари, тушунча, ҳукм, ҳулоса. Мантиқ фани ва тил, табиий тил, сунъий тил, семантика, прагматика, синтаксис, тил белгиси, семантика, символлар, формаллаштириш, ахборот, дискриптив атама, мантикий атама, предикатор, депотат, концепт. Қонун, айният қонуни, формула, софизм, айният қонуни талаблари, зиддият қонуни, зиддият қонуни формуласи, учинчиси истисно қонуни, етарли асос қонуни, мантикий асос.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Мантиқ фанининг баҳс мавзусини тушунтириб беринг?
2. Объектив мантиқ деганда нимани тушунаси?
3. Субъектив мантиқ нимани англатади?
4. Билиш жараёнини моҳиятини тушунтириб беринг?
5. Тафаккур шакллари тушунтириб беринг?
6. Тасдиқловчи ҳукм деб қандай ҳукмга айтилади?
7. Шартли ҳукм қандай ҳукмни билдиради?
8. Тафаккур қонунларининг объектив характерга эга эканлиги?
9. Мантиқ фанида чинлик ва тўғрилиқ нимани билдиради?
10. Мавҳум тафаккур қонунлари нимани билдиради?
11. Мантиқ ва тил орасидаги алоқадорликни айтинг?
12. Табиий тилларини айтиб беринг?
13. Сунъий тил деб нимага айтилади?
14. Тилнинг семантик категорияларини айтиб беринг?
15. Семантика нимани англатади?
16. Прагматика нима?
17. Семиотика деганда нимани тушунаси?
18. Дискриптив атама ва мантикий атама нимани билдиради?
19. Предикатор нима?
20. Депот, концепт деганда нимани тушунаси?
21. Ҳукмлар мантиғи тилини тушунтириб беринг?
22. Предикатлар мантиғи тилини тушунтириб беринг?
23. Қонун тушунчасини таърифланг?
24. Қонунларнинг турларини айтиб беринг?
25. Нима учун мантиқ қонунлари инсон тафаккурида амал қилади?
26. Мантиқ қонунлари ва диалектика қонунларини фарқини тушунтириб беринг?
27. Мантикий тафаккурда аниқлик, изчиллик, асосли бўлиш нимани англатади?
28. Айният қонунини тушунтириб беринг?
29. Айният қонуни талабларини айтинг?
30. Зиддият қонунини тушунтириб беринг?
31. Зиддият қонуни талабларини айтиб беринг?
32. Учинчиси истисно қонуни талабларини айтинг?

33. Етарли асос қонунини таърифланг?
34. Мантиқий асос ва объектив реал асосни тушунтириб беринг?
35. Мантиқ қонунлари ва диалектика қонунларининг фарқни тушунтиринг?

Адабиётлар.

1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, Ўзбекистон, 1998.
2. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Тошкент, Ўзбекистон, 1994.
3. И.А.Каримов Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. Тошкент, Ўзбекистон, 1999.
4. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Мулоқот, 1998, №5.
5. М.М. Хайруллаев, М. Ҳақбердиев. “Мантиқ”. Т, “Ўқитувчи”, 1993.
6. И.Раҳимов. Мантиқ. Тошкент. 1994.
7. М.Шарипов, Д.Файзихужаева. Мантиқ (маърузалар матни). Тошкент, 2001.
8. М.Бўриев. Мантиқ (Маърузалар матни). Самарқанд, 2000.
9. Ал-Фараби. Логические трактата. Алма-Ата, 1975.
10. Ибн Сина. Избранные философские произведения. Москва, 1980.
11. Ўзбекистонда ижтимоий фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Академик М.М. Хайруллаев таҳрири остида. Тошкент, 1995.
12. А.С.Маковельский. “История логика”. Москва, Наука, 1967.
13. Н.И. Кондаков. Логический словарь-справочник. Москва, 1976.
14. Г.И. Рузавин. Научная теория: логика – методологический анализ. М., 1978.
15. А.А. Ивин. Искусство правильно – мыслить. Москва, 1990.
16. В.Н. Карпович. Проблема. Гипотеза. Закон. Новосибирск, 1980.
17. М.Бўриев. Математик мантиққа кириш (ўқув қўлланма). Самарқанд, 2000.
18. Б.Т. Тўйчиев. Мантиқ (ўқув қўлланма). Тошкент, 1993.
19. И.Раҳимов. Логикадан амалий машғулотлар ва методик тавсиялар. Тошкент, 1989.

2 – мавзу: Тушунчалар орасидаги мантикий муносабатлар

Режа:

1. Тушунчаларни асосий турлари: а) таққосланадиган ва таққосланмайдиган тушунчалар. б) Сиғишадиган ва сиғишмайдиган муносабатдаги тушунчалар, уларнинг турлари.


2. Тушунчалар орасидаги мантикий амаллар: а) Тушунчаларни мантикий қўшиш; б) Тушунчаларни қўпайтириш ва инкор қилиш амали; в) Тушунчаларни умумлаштириш ва чегаралаш.

3. Тушунчаларни бўлиш: а) Тушунчанинг бўлиниши унинг ҳажмини аниқлашдир; б) Тушунчани бўлишнинг асосий қоидалари; в) Классификация (тасниф) ва унинг асосий турлари.

4. Тушунчаларни таърифлаш ва унинг турлари.


Маълумки оламдаги нарса ва ҳодисалар ўзаро умумий алоқадорликда бўладилар. Ундаги бир нарса ёки ҳодисани иккинчисидан ажратиб олиб ўрганиб бўлмайди. Шу маънода борлиқ, табиат алоқадорликда бўлган бир бутунликни ифодалайди. Тушунча, нарса ва ҳодисаларини акс эттирар экан, оламдаги нарса ва ҳодисалар орасидаги алоқадорлик ва муносабатларни қайд этади. Тушунчаларнинг мазмуни ва ҳажми жиҳатдан таққосланадиган ва таққосланмайдиган муносабатдаги тушунчаларга бўлинади. Таққосланадиган тушунчалар умумий белгига эга бўлган тушунчалар орасидаги муносабатга асосланади. Умумий белгига эга бўлмаган тушунчалар таққосланмайдиган муносабатдаги тушунчалар деб аталади. Масалан: “инсон” ва “одам” тушунчалари таққосланадиган, “инсон” ва “логарифм” тушунчалари таққосланмайдиган тушунчалардир. Таққосланадиган муносабатларгина мантикий муносабатга киришадилар. Бундай муносабатлар икки хил сиғишадиган ва сиғишмайдиган бўлади.

Агар тушунчаларнинг ҳажми тўлиқ ёки қисман мос бўлса, улар сиғишадиган муносабатда бўладилар. Сиғишадиган муносабатлар уч хил: бир маъноли тушунчалар муносабати, бўйсиниш ва қисман мослик муносабатлари. Бир маъноли муносабатда бўлган тушунчалар ҳажми тенг бўлади, улар тўла сиғишади, айният муносабатида бўлади ва айнан бир нарса ва ҳодисани акс эттиради. Масалан: “Шарқ Аристотели” ва “Форобий”. Бу муносабат мантиқда эйлер доираси ёрдамида қуйидагича ёзилади.



Шундай бўлсада, бир маъноли тушунчалар иккита тушунча бўлганлиги сабабли нимаси биландир бири иккинчисидан фарқланиши лозим. Бир маъноли тушунчалар нарса ва ҳодисани турли белгиларини акс эттириши билан бири иккинчисидан фарқ қилади. Ўз-ўзидан маълумки, бир маъноли тушунчаларнинг ҳажми тенг, лекин мазмунида фарқ мавжуддир. Бу тушунчалар бир нарсага тааллуқли, лекин уни турли белгиларини акс эттиради. Айни бир суҳбат, маъруза жараёнида бир маъноли тушунчалардан фойдаланиш тингловчиларни зерикишдан ҳоли қилади, суҳбат ёки маърузани шаклан бойитишга хизмат қилади.


Бўйсунуш муносабатида икки ёки ундан ортиқ тушунчалар бири иккинчисига ҳажмига нисбатан бўйсуниб келади. Бунда бир тушунчанинг ҳажми торроқ, иккинчисининг ҳажми кенгроқ бўлиб, торроқ тушунча кенгроқ тушунча ҳажмига киради. Масалан; “чинор” ва “дарахт”, “гул” ва “ўсимлик” тушунчаларида “дарахт” “ўсимлик” тушунчалари жинс тушунчалари бўлиб, ҳажми кенгроқ “чинор” “гул” тушунчалари тур тушунчалари бўлиб, ҳажми торроқдир. В - чинор ёки гул тушунчасини ҳажми А - дарахт ёки ўсимлик тушунчасининг ҳажмини бир қисмини ташкил қилади. Бунини чизмада қўйдагича кўрсатиш мумкин.



А-дарахт ёки ўсимлик


В-чинор ёки гул.

В – тушунчаси бўйсинувчи, А – тушунчаси эса бўйсиндирувчи тушунча дейилади. Қисман мослик муносабатдаги тушунчалар бир-бирига ҳажм жиҳатдан қисман киришадилар. Масалан; “талаба” ва “шахматчи”; “инсон” ва “олим” тушунчалари қисман мослик муносабатидаги тушунчалардир. Яъни:




Агар тушунчалар ҳажм жиҳатдан тўлалигича ҳамда қисман мос келмайдиган бўлса, улар сиғишмайдиган муносабатдаги тушунчалар дейилади. Бундай тушунчалар уч хил бўлади: Зидлик муносабатидаги, қарама-қаршилик ва бирга бўйсунуш муносабатидаги тушунчалар.


Зидлик муносабатидаги тушунчаларнинг ҳажмлари ўзaro сиғишмайди. “оқ” ва “оқ эмас” “соғ” ва “соғ эмас” тушунчалари зидлик муносабатида бўлади. Яъни:



Баъзан зид тушунчалар ўз ҳажмларининг қисми билан тўғри келмай бир-бирини инкор этади, лекин ўртача ҳолат бўлишлигига йўл қўйилади. Бундай муносабат тушунчаларнинг қарама-қарши муносабатлари дейилади. Масалан; “оқ” ва “қора” “ўспирин” ва “чол” “ширин” ва “аччиқ” тушунчаларда ўрта ҳолни бўлишига имкон қолдиради.



Бирга бўйсунуш муносабатидаги тушунчалар бир жинсга мансуб бўлгани сабабли бирга бўйсунувчи бўлади. Лекин тур тушунчалари умумий элементга эга бўлгани туфайли, сиғишмайдиган тушунчалар бўлади. Масалан; чизик деган тушунча жинсига “тўғри”, “эгри”, “синик” турга киради.



Тушунчалар орасидаги муносабатларни яхши билиш тушунчалар устида мантикий амалларни бажаришда жуда ёрдам беради.

Тушунчалар устида мантикий амаллар:

1) қўшиш; 2) қўпайтириш; 3) инкор қилиш; 4) умумийлаштириш ва чегаралаш амалларини кўриб чиқамиз.

Синфлар бўйича мантикий амалларни бажаришда қуйидаги белгилардан фойдаланамиз.

A, B, C, - ихтиёрий синфлар;

J – умумий (универсал) синф;

O - бўш синф;

U - қўшиш белгиси;

∩ - қўпайтириш белгиси.


- - инкор белгиси.

Умумий (универсал) синфни квадрат билан;

Бошқа синфларни Эйлер доираси билан белгилаймиз. Икки ёки ундан ортиқ синфларни қўшиб умумий (универсал) синф ҳосил қилинади.


A - объектив идеалистлар.

B - субъектив идеалистлар синфларини қўшиш асосида идеалистлар деган универсал синф ҳосил қилинади



Бўйсунувчи ва қисман мослик муносабатида бўлган тушунчаларни қўшишдан кичик синфлар ҳосил қилинади. Масалан; жинс ва тур муносабатидаги “ҳуқуқшунос” ва терговчи тушунчаларни қўшиш билан “терговчи ҳуқуқшунос” ва “терговчи бўлмаган ҳуқуқшунос” кичик синфлари ҳосил қилинади.

Қўпайтириш орқали бир неча синфлар учун умумий элементлар ажратиб олинади. Масалан: A- сув ҳайвони, B - сут эмизувчи тушунчаларнинг кесишишидан C- сут эмизувчи сув ҳайвони тушунчаси




ҳосил бўлади.

$$A \cap B = C$$

Инкор ёки тўлдирувчи амали орқали берилган универсал синфдан А-синфи чиқариб ташланади ва унинг инкори бўлган $\bar{A}$ синфи ҳосил қилади. Яъни $J - A = \bar{A}$


Масалан: универсал “врач” синфидан “жарроҳ” синфини чиқариб ташлаш билан “жарроҳ бўлмаган врач” инкор синфи ҳосил қилинади.



A – жарроҳ

$\bar{A}$ - жарроҳ бўлмаган врач.

Умумлаштириш ҳажми кичик, аммо мазмуни кенг тушунчадан ҳажми кенг, лекин мазмуни тор (кичик) тушунчаларга ўтиш усулидир.



A – шаклий мантиқ,


B - умумий мантиқ,

C – фалсафий фан,

D – ижтимоий фан.

Умумлаштириш амали ёрдамида энг умумий тушунчалар (материя, онг, борлиқ каби) ҳосил қилинади.

Чегаралашда жинс тушунчаларининг турлари аниқланади. Чегаралаш жинс тушунчасининг яқка турини топиш билан тугайди. Яъни бу амал умумлаштиришга тескари амалдир.



A – тил

B – табиий тил

C – туркий тил

D – ўзбек тили

Тушунчани бўлиш: Тушунчани бўлиш деганда унинг ҳажмини аниқлашни тушунамиз. Тушунча ҳажмини аниқлаш унда ифодаланган буюмларнинг миқдорини белгилашни билдиради. Тушунчани бўлакларга

ажратиш, тақсимлаш усули тушунчада акс этган предмет ва ҳодисаларни билиб олиш имконини беради. Тушунча бўлиниши учун унинг ҳажмини аниқлаш лозимдир. Ҳажмини аниқлаш лозим бўлган тушунча бўлинувчи тушунча деб аталади. Бўлиш асосида ҳосил қилинган тушунча турлари, бўлиниш аъзолари ёки қисмлари деб юритилади. Тушунчани бўлишга асос қилиб олинган белги ёки белгилар йиғиндиси бўлиш асоси дейилади. Бир тушунча турли асослар ёрдамида бўлиниши мумкин. Масалан, материя унинг тузилиши асосида қандай моддий системага мансуб эканлигига қараб бўлиниши мумкин.

Тушунчани бўлишда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш лозим.

1 – қоида. Ҳамма вақт бўлиш бир асос билан олиб борилмоғи лозим.

Яъни бир белгини асос қилиб оладиган бўлсак, бўлиш фақат шу асосда амалга ошмоғи лозим. Масалан: Мактаб тушунчасини бошланғич мактаб ва ўрта мактаб деб бўлсак тўғри бўлади. Чунки бу бўлишда бир асосга таянилади. Агарда олий мактаб тушунчасини коллеж ва университет деб бўлсак, бунда тушунча хато бўлинади. Чунки бунда тушунча турларини турли асос билан бўлган бўламиз.

2 – қоида. Бўлиш аъзолари ёки қисмлари бир-бирини инкор этиши лозим. Баъзан тушунчани бўлишда бўлиш асосини аниқлаб таърифлаш қийин бўлади. Масалан учбурчакни ўтмас, ўткир, тўғри бурчакларга бўлганимизда, бўлиш асосидаги адаштирувчи нуқтани сезиш қийин. Аммо бундаги хатони пайқаш осон.

3- қоида. Бўлиш мутонасиб бўлиши лозим. Бунга мувофиқ бўлиш аъзолари ўз ҳажми билан бўлинадиган тушунча ҳажмини тўла қопламоғи, ўз ичига олиши лозим ва мазкур ҳажмга алоқаси бўлмаган тушунча уни ҳажмига кириб қолмасли зарур. Масалан; “саънат” тушунчаси фақат музыка, тасвирий саънат, архитектурага бўлинади дейиш мумкин эмас, чунки бунда саънатнинг бир қатор турлари рақс, скульптура ва бошқалар ташлаб кетилади.

4 – қоида. Бўлиш узликсиз бўлмоғи лозим. Бу қўйидага мувофиқ бўлиш энг яқин турдан бошланади, барча тур санаб ўтилмагунча бўлиш давом эттирилиши зарур. Бўлиш жараёнида энг яқин турдан сакраб ўтиш мумкин эмас. Бўлиш аъзолари бўлинадиган тушунчанинг энг яқин турлари бўлиши керак.

Дихатолик бўлиш. Дихотолик бўлиш кетма – кет икки қисмга бўлиш деган маънони англатади. Дихотолик бўлиш буюмларни маълум белгига кўра икки гурӯппага, яъни шу белги бор бўлган нарсалар ва бу белгига эга бўлмаган нарсаларга ажратади. Яъни тушинча икки қарама – қарши, зид тушунчаларга бўлинади. Умуман тушунчани бўлиш тушинчада акс этган нарса ва ҳодисаларнинг белгиларига асосланган ҳолда гурӯппаларга ажраб шуни билдиради. Шунинг учун ҳам таснифни ҳам бўлишнинг шакли деб қараш мумкин. Тасниф тушунчани бўлишнинг юқоридаги барча қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилиши керак.

Таснифни бўлишнинг энг мукамал, такомиллашган шакли сифатида фалсафий таҳлил қилиб чиқишга тўғри келади. Классификация – тасниф

тушинчани бўлиниши шу тушинчада акс этган нарсаларнинг таснифидир. Мантиқ фанида тасниф бўлишнинг махсус шакли, ҳолати деб аталади. Тасниф объектив буюмларни ифодаловчи тушинчаларни ўхшашлиги ва тафовутига қараб синф ёки турларга бўлишдан иборатдир. Тасниф – бу объектив предметлар ҳақидаги билимларимизни системалаштириш, маълум тартибга солиб ўрганишнинг муҳим усулидир.

Биологияда ўсимлик ва ҳайвонат, жамиятда ижтимоий формациялар, материя ҳаракати шакллари таснифини билдиради. Ҳар-бир тасниф аъзоси маълум номга эга бўлади. Одатда тасниф бўлиш билан чегараланмайди. Одатда табиий, сунъий, илмий, илмий бўлмаган ёки хато таснифлар ҳақида гапирилади. Табиий таснифга Менделеевнинг кимёвий элементлар жадвалини, сунъий таснифга кутубхонадаги китобларни алифби ҳарфлар асосида группаларни кўрсатиш мумкин. Илмий тасниф тушинчанинг муҳим белгилари ва улар ўртасидаги қонуниятни жараёнларни ҳисобга олган ҳолдаги таснифдир. Фанларни табиатшунослик фанлари ва жамиятшунослик фанларига ажратиб группалаш илмий тасниф сифатида қаралиши мумкин. Тасодифий ва муҳим бўлмаган белгиларга (тушунча белгилари орасидаги объектив қонуниятли алоқадорликни инкор қилган ҳолда) асосланган группалаш илмий бўлмаган ёки хато тасниф сифатида қаралиши мумкин.

Тушинчани мазмунини очиш унинг муҳим белгиларни аниқлашни тақоза қилади. Буюмлар жуда кўп муҳим белгиларга эга бўлганлиги сабабли, тушинча тарифида бундай кўп сонли белгиларни акс эттириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам мантиқда муҳим белгиларни ажратиб олиш таърифлашни тўғри бўлишини тامينлайди. Муҳим белгиларни ажратиб олиш бир неча йўллар билан амалга оширилади.

1. Энг яқин тур белгисини кўрсатиш ва жинс орқали таърифлаш.

“Тўғри бурчакли учбурчак” тушинчасини (тур) олсак “учбурчак” (жинс) тушинчасини англатади. Тўғри бурчакли учбурчакни бир бурчаги албатта 90^0 га тенг бўлишидир, қолган бурчаклари ўткир бурчаклар бўлиши ва у учбурчакларга кириши каби муҳим белгилари борки, тўғри бурчакли учбурчакни таърифида ана шу белгилар ўз аксини топиши керак.

2. Генетик таъриф. Бу таърифлаш тури тур ва жинс орқали таърифлашдан фарқ қилади. Бу таърифлашда асосий эътибор буюмнинг пайдо булиши, келиб чиқишига қаратилади.

Генетик таърифлашга мисол келтирамиз

а) Предметнинг маъносини англатиб, эгалик, сон ва келишик каби грамматик категорияларга эга бўлган сўз туркумига от дейилади.

б) Феъл шахс ва предметларга хос ҳаракатни билдиради.

3. Реал ва номинал таърифлаш.

Агар таъриф тушунчанинг фақат сўз маъносигагина қаратилган бўлса, у номинал таърифлаш бўлади. Мисол: Атом – бўлинмас.

Мантиқда таърифлашни чин ёки хатолардан ҳоли бўлиши учун маълум қоидаларга амал қилиш зарур.

1. Ҳар бир таъриф мутаносиб бўлмоғи лозим. Бунда таърифловчи ва таърифланувчи тушинча ҳажми тенг бўлиши керак.

Инсон – бу онг ва тилга эга бўлган, ҳамда фойдали меҳнат билан шуғуллана оладиган жонивордир. Онг ва тилга эга бўлган, ҳамда фойдали меҳнат билан шуғуллана оладиган жонивор инсондир. Бу қоида бузилса таъриф ҳаддан ташқари кенг ёки жуда қисқа бўлиши мумкин.

Касаба саюзлари – меҳнаткашлар ташкилоти – кенг
Мантиқ – тушинча ҳақидаги фан – тор.

2. Таъриф айланма бўлмаслиги лозим.

Таърифни айланма бўлиши тавталогин ҳолатни вужудга келтиради.

Масалан: Соф виждонли бўлиш шахсинг ўз виждонини тоза тутишидир.

3. Таъриф инкор этиш орқали бўлиши мумкин эмас.

Масалан: Ўсимлик ҳайвонат эмасдир.

4. Таъриф аниқ, равшан бўлмоғи лозим.

Бу қоида таърифга чунончи, яъни, масалан, “бўлиб”, “модомики” каби ортиқча сўзларни қўшилмаслигини талаб қилади. Таърифлашга олмос бўладиган усуллар таъриф ўрнини боса олмайди лекин тушунча мазмунини очишга ёрдам беради. Бу усуллар қўйдагилар: тасвирлаш, кўрсатиш, характеристика, ўхшатиш ва тафовутлашлар

3 – мавзу: Тушунча – мантикий тафаккур шакли сифатида. Тушунчаларнинг мазмуни ва ҳажмига кўра турлари

Режа:

- 1. Тушунча ва тушунча шаклланишининг асосий мантикий усуллари: таққослаш, анализ ва синтез, мавҳумлаштириш, умумлаштириш.**
- 2. Тушунчанинг мантикий таркиби: мазмуни ва ҳажми.**
- 3. Тушунчанинг мазмунига кўра турлари:**
 - а) Конкрет ва мавҳум тушунчалар;**
 - б) Мусбат ва манфий тушунчалар;**
 - в) Нисбатли ва нисбатсиз тушунчалар;**
 - г) Категория тушунчанинг махсус тури.**
- 4. Тушунчанинг ҳажмига кўра турлари:**
 - а) Якка ва умумий тушунчалар.**
 - б) Айирувчи ва тўпловчи тушунчалар.**
 - в) Бўш (ноль) ҳажмли ва универсал ҳажмли тушунчалар.**

Олдинги маърузамизда асосий мантиқ қонунларини қараб чиқиш билан, бу қонунлар тўғри фикр юритиш, мантикий тафаккур маданияти қонунлари эканлигини қараб чиққан эдик. Ушбу маърузамизда тафаккур шакллари (тушунча, муҳокама, хулоса чиқариш) ва улар орасидаги алоқадорлик жараёнини қараб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Тушунча деб предмет ҳодисаларнинг муҳим ва умумий белгиларини инсон онгида яхлит тарзда акс эттирувчи тафаккур шаклига айтилади. Тушунчаларда фақат ташқи объектив эмас, балки инсон, унинг руҳий борлиғи ҳам ифодаланади. Масалан: Имон, эътиқод, виждон ва бошқалар ана шундай тушунчалардир.

Тушунчага берилган ушбу таърифнинг моҳиятини чуқурроқ англаб олиш учун энг аввало мантиқда белги деб нимага айтилади ва бунда муҳим ва умумий белгиларнинг ўзи қандай турларга бўлинишини билиб олишимиз лозим. Агар нарса ва ҳодисаларнинг бирон сифат билан бир-бирига ўхшаш ёки бир-биридан фарқли томони бўлса ҳам, шу ўхшашлик ёки тафовут нарса ва ҳодисаларнинг белгиси деб аталади. Ҳар бир буюм ўзига хос хоссаларга эгаки, у шу орқали бошқа предмет ва ҳодисадан ажратилади ва муайян жинс, синфга бирлаштирилади. Масалан: демократик давлатни, унитар давлатдан, зиёлини пахтакордан, адабиётни тарихдан ва ҳ.к. фарқлаймиз.

Шунингдек демократик ва унитар давлатларнинг ўхшаш (умумий) белгилари (ўз армияси, бошқариш ташкилотлари, сиёсий ташкилотлари) борки, шунга кўра уларни “сиёсий ташкилот типи”, зиёли ва пахтакорни “моддий ва маънавий неъмат яратувчилар”, адабиёт ва тарихни “ижтимоий-гуманитар фан” каби тушунчаларда умумлаштирамиз.

Тушунча белгилари муҳим ва муҳим бўлмаган белгиларга бўлинади. Предмет ҳодисаларни фарқлантирувчи ва ўхшашлигини кўрсатувчи белгилар муҳим ва умумий белгилар тарзида намоён бўлади. Бу белгилар нисбий характерга эга бўлиб, маълум бир вақтда муҳим бўлмаган хусусий белгига айланиши мумкин. Буюм, ҳодисаларга (сифат муайянлиги) бағишлайдиган уларнинг хусусиятларига муҳим белги деб аталади. Шунинг учун ҳам муҳим белгининг ўзгариши билан ушбу предмет ҳам ўзининг сифат муайянлигини йўқотади. Масалан: парламент сайлови, сайлов ва сайланишда ҳамманинг конституцион ҳуқуқга эга эканлиги демократик давлатчиликнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади, бу белгиларсиз ёки уларнинг муқобили ўзгариши уни бошқаришнинг унитар, монархияли ва бошқа типига айлантиради.

Муҳим бўлмаган белгилар деб, предметларга у ёки бу даражада хос бўлсада лекин уларнинг моҳиятини, табиатини белгиламайдиган белгиларга айтилади. Шунинг учун бундай белгиларнинг ўзгариши ёки барҳам топиши предметнинг сифатини ўзгартира олмайди. Ҳар бир предмет ўзининг умумий ва хусусий белгиларга эгадир. Агар белги фақат муайян предметга тегишли бўлса, умумий белги деб аталади. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, муҳим (номуҳим), умумий (хусусий) белгилар нисбий характерга эга. Маълум вақт ўтиши билан муҳим белги номуҳим белгига, умумий белги хусусий белгига айланиши мумкин. Масалан, собиқ иттифоқ даврида шахснинг ўз-ўзини англаши, диний эъқоди, иймони унинг учун муҳим бўлмаган белги сифатида қаралади. Мустақил Ўзбекистон шароитида улар комил инсонни шакллантиришнинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Шунингдек, умумий белгилар кўпинча муҳим белгилар сифатида намоён бўлиши мумкин. Масалан, тўқималарнинг ҳўжайрадан тузилганлиги барча тирик организмлар учун умумий белги бўлса у айна пайтда инсон ва бошқа мавжудотларнинг геофонини таъминловчи муҳим хусусияти ҳисобланади. Буюм, ҳодисаларнинг муҳим ва умумий белгиларини ажратиш олиш орқали тушунчалар ҳосил қилинади, яъни шакллантирилади.

Мазкур жарёнда бир қатор мантикий усуллар қўлланилади. Булар қўйдагилар;

1. Таққослаш; 2. Анализ ва синтиз; 3. Мавҳумлаштириш (абстрактлаштириш); 4. Умумлаштириш;

Буюм, ҳодисаларни бир-биридан фарқлаш, ўхшашлигини аниқлаш, шунга мувофиқ уларнинг муҳим умумий белгиларини ажратиш, энг аввало таққослаш (қиёслаш)дан бошланади. Дарҳақиқат, билиш негизида таққослаш ётади. Масалан, “ибтидоий жамоа” “қулдорлик” “феодализм” тушунчалари кишилик жамияти босиб ўтган тарихий даврларни муайян босқичларда таққослаш, сўнгра анализ ва синтиз қилиш ва мавҳумлаштириш орқали ҳосил қилинади.

Таққослашда предметларнинг муҳим белгилари ажратиш олинмайди, балки уларнинг ўхшаш ва фарқ қилувчи хусусиятлари аниқланади. Таққосланадиган предметлар анализ қилиниб, яъни фикрни таркибий қисмларга ажратиш, уларнинг ҳар бирининг хусусиятлари аниқланиб, яна

кайта яхлитлаштирилгандан (синтезлаштирилгандан) сўнгина қандай муҳим ва умумий белгилари ҳақидаги фикрга келинади.

Мантиқий анализ ва синтез қилиш фикрнинг конкретликдан мавҳумликка ва умумийликка ўтишнинг муҳим шартидир. Мавҳумлаштириш – бу предмет, ҳодисаларнинг конкрет белгиларидан узоқлашиш орқали уларнинг моҳият жиҳатини (қонуниятини) аниқлашдир. Масалан, “конус” тушунчасида ифодаланувчи предметнинг қандай материалдан ясалганлиги, катта-кичиклиги, оғирлиги каби белгилари фикран ўйлаб олинганда бунда, бунда фақат унинг моҳиятли томони – геометрик фигура эканлиги кўзда тутилади.

Умумлаштириш – мавҳумлаштириш усулининг ўзига хос бир тури, яъни уни тўлдирувчи шакли бўлиб, бунда айрим предметлар, уларнинг тўплами муҳим белгиларига кўра муайян синф, жинсга бирлаштирилади. Масалан, сўзларнинг шахс, сон, келишида тусланиши каби муҳим белгиларига кўра, “мустақил сўз туркуми” деган тушунчада умумлаштирилади. Мавҳумлаштириш ва умумлаштириш сўз номлари воситасида амалга ошади. Айни пайтда ҳар қандай сўз энг аввало мавҳумлаштириш, умумлаштириш мантиқий усулнинг натижасидир. Масалан, ҳар қандай сўз предметнинг муҳим белгисига нисбатан ҳеч қандай генетик бирликка эга эмас.

Тушунчалар ифодаланиши, воқе бўлишининг граматик шакли сўздир. Бошқача қилиб айтганда, тушунчалар сўз орқали англашиладики, лекин ҳар қандай сўзлар тушунчани ифодаламайди. Чунки тушунча фикр шакли бўлиб, предмет, ҳодисаларнинг инсон онгидаги инъкоси бўлса, сўзлар уларни номларда ифодалайди. Номлар эса белгилар тизимида (ҳарф, рамзий ишоралар) қайд этилади. Шунга кўра сўзлар ёзма битикларда ҳам ифодаланади. Сўзлар фақат фикр шакли тушунчаларни эмас, ҳис-туйғуларни ҳам ифода эта олади. Шунга кўра илмий тушунчани ифодаловчи сўзлардан фикр ҳис – туйғуни ўзида уйғунлаштирган ҳолда акс эттирувчи сўзларни, яъни поэтик сўзларни фарқлай билиш лозим. Масалан, “иссиқ қор”, “кузнинг кўз ёши” ва бошқалар.

Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми. Ҳар бир тушунча ўзининг мантиқий таркиби: мазмуни ва ҳажмига эга.

Тушунчанинг мазмуни деб тушунчадаги предмет ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларининг мажмуига айтилади. Бунда тушунча ва предмет белгиларини бир-биридан фарқламоқ зарур. Тушунча белгиси, предметлар белгисидан фарқли тарзда муайян синфга кирувчи, буюм, ҳодисаларнинг энг муҳим ва умумий белгиларининг инъкосидир. Масалан, гул ўсимлик (предмет) сифатида бир қанча белги, хусусиятларга эга: оқ, қизил, сариқ в.х., ёввойи, хонаки ҳолда ўсиши, бир йиллик ва кўп йиллиги ва бошқалар.

Лекин “гул” деган тушунчада мазкур ўсимликнинг барча саналган белгиларини кўзда тутмаймиз, балки шу предмет (гул) учунгина хос бўлган муҳим хусусият: киши учун унинг меваси эмас, биринчи галда ҳиди, ранги зарурлигини англаймиз. Тушунчанинг муҳим белгилари предметларнинг кўп сифатлилиги билан изоҳланади. Шунга кўра тушунчанинг мазмуни бир қанча

муҳим белгилар йиғиндисидан ташкил топган бўлади. Тушунчанинг мазмунини Г ҳарфи билан, унда ифодаланаётган предметларнинг муҳим белгиларини а, в, с, d, ...n.

Бундан предметнинг муҳим белгилари қанча бўлса, мазмуни шунчалик кенг бўлади ва аксинча – муҳим белгилари қанча кам бўлса, мазмуни шунчалик кичик бўлади. Буюм қанчалик конкрет, алоҳида бўлса, унинг муҳим белгилари шунчалик кўпроқ бўлади.

Тушунчанинг ҳажми. Тушунчанинг ҳажмини аниқлашда икки ҳолатга эътибор бермоқ керак: биринчидан, муайян тушунчада ифодаланаётган предмет, ҳодисанинг қандай жинс, синфга мансублиги; иккинчидан, мазкур жинснинг қандай муҳим белгиларга эга эканлигини аниқлаш. Тушунчанинг ҳажмида предметларнинг тури ва жинс (яккалик, хусусийлик, умумийлик) муносабатлари акс этади. Шунга кўра улар жинс гуруҳлари ва тур гуруҳларига ажратилади.

Тур гуруҳлари хусусий ва ўхшашлик белгиларига эга бўлган якка, алоҳида буюм, ҳодисалар гуруҳи ҳисобланади ва жинс гуруҳини ташкил этади ҳамда унга бўйсунди. Масалан, ўғирлик, қаллоблик ва бошқалар тур гуруҳи сифатида “жиноятчи” деган жинс тушунчасини ҳосил қилади ва унга бўйсунди. Мантиқда шунингдек тушунчанинг ҳажмига нисбатан “синф”, “кичик синф”, “синф элементи” деган атамалар қўлланилади.

Синф деб умумий белгиларга эга бўлган турлар гуруҳининг йиғиндисига айтилади. Масалан, судралиб юрувчилар, талабалар ва ҳ.к. Кичик синф деб муайян синф таркибига кирувчи қисмга айтилади. Масалан, судралиб юрувчилар синфини кичик синфини умиртқали судралиб юрувчилар ташкил қиланади. Талабалар синфининг кичик синфини фалсафа бўлими талабалари ташкил қилади. Синф элементи деб, муайян синфга кирувчи предметга айтилади. Буюм, ҳодисалар туридан, жинсга ва ундан фикран синфларга ўтиш билан тушунчаларнинг ҳажмлари кенгайиб боради, лекин айтиш пайтда, хусусий, муҳим белгилар тушуриб қолдирилиб борилган ҳолда умумий белгиларга ўтилади. Фикр юритишдаги бу қонуният тушунчанинг мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тесқари нисбат қонуни деб юритилади. Мазкур қонунга кўра, тушунчанинг ҳажми қанчалик тор бўлса, мазмуни шунчалик кенг бўлади ва аксинча, тушунчанинг ҳажми қанчалик кенг бўлса, мазмуни шунчалик тор бўлади.

Масалан, “тил” ва “ўзбек тили” тушунчаларини таққослайдиган бўлсак, улар бир-бирларига нисбатан жинс ва тур муносабатларида бўлиб, биринчисининг ҳажми, иккинчисиникидан кенг, лекин мазмуни тор, иккинчисининг ҳажми тор, мазмуни кенгдир.

Тушунчаларда акс этган нарса ва ҳодисаларнинг миқдорига ва характерига, яъни тушунчалар ҳажми ва мазмунига кўра қуйидаги турларга ажратилади: Мазмунига кўра – конкрет ва мавҳум, мусбат ва манфий, нисбатли ва нисбатсиз тушунчаларга бўлинади. Ҳажмига кўра – якка ва умумий, айирувчи ва тўпловчи, бўш (ноль) ҳажмли ва универсал ҳажмли тушунчаларга бўлинади.

Конкрет тушунча – бу объектив борликда реал ҳолда мавжуд ва муайян хусусиятларга эга бўлган нарса ҳодисаларни ифодаловчи тушунчадир. Конкрет тушунчалар уларда акс этган нарсалар белгиларни яхлит ифодалайди. Масалан, “мустақиллик”, “давлат”, “талаба”, “масса”, “энергия”, “интеграл”, “квантор” ва бошқа шунга ўхшаш тушунчалар конкрет тушунчалардир.

Билиш жараёнида шундай ҳолларга дуч келамизки, бунда тафаккурда буюмнинг сифатлари, белгилари ажратилиб, бошқа предмет билан бўлган муносабатда акс эттирилади. Бундай тушунча мавҳум тушунча дейилади. Мавҳум тушунчаларда буюмлар ва ҳодисалар эмас, балки уларнинг қандайдир бир хусусияти ёки муносабати яхлит мавжуд нарса сифатида инъикос эттирилади. Масалан: “мазмун”, “шакл”, “тараққиёт”, “меҳнат”, “қиймат”, “пирамида”, “конус”, каби тушунчалар.

Мусбат ва манфий тушунчалар муайян белгини буюмларда борлигини, унга тегишли эканлигини тасдиқлайди ёки инкор қилади. Агар тушунчада муайян белги предметга таалуқли эканлиги акс этса бундай тушунчалар мусбат ва аксинча белги йўқлиги кўрсатилса манфий тушунча бўлади. Мусбат тушунчалардан манфий тушунчалар одатда “-сиз”, “-эмас”, “но”, “бе” каби қўшимчаларни қўшиш билан ҳосил қилинади.

Масалан; “билимли”, “ақлли”, “маданиятли”, “инсофли” каби мусбат тушунчалардан “билимсиз”, “ақлсиз”, “маданиятсиз”, “инсофсиз” каби манфий тушунчалар ҳосил қилиш мумкин.

Билиш жараёнида мусбат ва манфий тушунчаларни, унга нисбатан бўлган бизнинг муносабатимиз билан алмаштириш, тенглаштириш мантикий ҳатодир. Масалан, жамиятда мавжуд бўлган турли мусбат тушунчалар “жиноятчи” “миллатчи”, “босқинчи”, “хиёнатчи”, “товламачи” каби тушунчаларда буюмга хос бўлган белгилар акс этган. Лекин биз бу каби тушунчаларга “ижобий кўз” билан қарай олмаймиз. Бундай ҳолатда жамиятдаги прогрессив кучлар томонидан манфий баҳоланади, биз бундай ҳолатларни қоралаймиз, бефарқ бўла олмаймиз. Тушунчалар мазмунига кўра нисбатли ва нисбатсиз тушунчаларга ҳам бўлинади. Борлиқ ҳодисаларни инъикос эттиришда бир тушунча ифода қиладиган белгилар иккинчи бир тушунча орқали билиб олинadиган бўлса, бундай тушунча нисбатли тушунча бўлади.

“Базис ва устқурма”, “сабаб ва оқибат”, “айримлик ва умумийлик” нисбатли тушунчадир. Тушунчани билиш бошқа тушунчаларсиз, мустақил амалга оширилса, бундай тушунча нисбатсиз тушунчадир. “Университет” тушунчасининг мазмуни башқа тушунчалар мазмунисиз ҳам билиб олинади. Категория-тушунчанинг махсус тури ҳисобланади. Категория борликда нарса ҳодисаларга хос бўлган алоқадорлик, муносабат ва боғланишларни инсон миёсида энг умумий тарзда акс эттирадиган илмий тушунчадир.

Ҳар бир фан ўзига хос категорияларга яъни тушунчалар тизимига эга бўлиб, у орқали материя ҳаракати шаклларининг муайян қонун ва қонуниятларни ўрганади. Шунинг учун ҳам “категория” сўзи юнонча сўз бўлиб, маъноси “таъриф”, “гувоҳ” “ифодаловчи” демакдир.

Фалсафада “материя”, “ҳаракат” “макон ва замон” ва бошқалар математикада “интеграл” “дифференциал”, “ҳосила”, “функция”, “масса”, “импульс”, “энергия”, “куч” ва бошқалар. Тушунчалар ҳажмига кўра якка ва умумий тушунчаларга бўлинади. Якка тушунча деб ҳодисани ўзида акс эттирган тушунчалардир. бир буюм, ҳодисани акс эттии. Масалан, “Самарқанд”, “Авесто” “Папирус Ренда” , “Алишер Навоий номидаги “Самарқанд Давлат Университети” якка тушунчалардир.

Буюмлар гуруҳига ва бир гуруҳнинг умумий белгиларига таалукли тушунча умумий тушунча деб ҳисобланади. Масалан, “материя”, “инсон”, “дарахт” тушунчалари умумий тушунчалардир. Тушунчалар ҳажмига кўра яна айирувчи ва тўлдирувчи тушунчаларга ҳам бўлинади. Тушунча ҳажмига муносабатни ифодалайдиган тушунчалар тўпловчи ва айирувчи тушунчалар бўлиши мумкин. Тўпловчи тушунча бир бутун яхлит ҳажмга эга эканлигини акс эттиради. Масалан, “Олий мактаб тингловчилари”. Айирувчи тушунчалар тушунча ҳажми бирон-бир тушунчанинг элементиға тегишлилигини билдиради. Масалан, “Олий мактаб профессорлари”.

Тушунчаларни турларға ажратишда ноль (бўш) ҳажмли тушунчаларни ҳам фарқлаш лозим. Ноль ҳажмли тушунчалар мавжудлиги илмий асослаб берилмаган предметларни миқдорий томондан акс эттиради. Масалан, “Абадий двигетель”, “Дев”, “Алвасти” ва бошқа шунга ўхшаш тушунчалар. Универсал ҳажмли тушунчалар чексиз ҳажмға эга бўлган тушунчалардир. Масалан “материя”, “борлиқ”, “онг” ва шунга ўхшаш тушунчалар. Тушунчалар ҳажмини ҳисобға олиш имкониятиға кўра ҳажмини ҳисоблаб бўладиган тушунчаларға ва ҳажмини ҳисоблаб бўлмайдиган тушунчаларға ҳам бўлинади.

Масалан, “Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги аҳолиси”, “кутубхона фонди” ва бошқа шунга ўхшаш тушунчалар ҳажми ҳисоблаб бўладиган тушунчалар бўлса, “инсон”, “ҳодиса”, “факт” каби тушунчалар ҳажми ҳисоблаб бўлинмайдиган тушунчаларға мисол бўлади.

Таянч иборалар: Тушунча, тушунчанинг белгилари, тушунча ва сўз, мантикий усул, таққослаш, анализ ва синтез, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, тушунчанинг мантикий таркиби, тушунчани мазмуни, тушунчани ҳажми, синфлар (жинс), кичик синфлар (тур), синф элементи, тушунчанинг мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тескари нисбат қонуни;

Конкрет тушунча, мавҳум тушунча, мусбат тушунча, нисбатсиз тушунча, категория, якка тушунча, умумий тушунча, айирувчи тушунча, тўпловчи тушунча, бўш (ноль) ҳажмли тушунча.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Тушунча деб нимага айтилади?
2. Тушунча ва сўз алоқадорлигини тушунтириб беринг?
3. Тушунча мазмуни ва ҳажми нимани англатади?
4. Тушунчани ҳосил қилувчи қандай мантиқий усулларни биласиз?
5. Тушунчанинг қандай турларини биласиз?
6. Тушунчалар ўртасидаги қандай муносабатларни биласиз?
7. Тушунчанинг мантиқий таркибини айтинг?
8. Тушунчанинг мазмунига кўра турларини айтинг?
9. Категория ва тушунча қандай боғланган?
10. Тушунчанинг ҳажмига кўра турларини айтинг?
11. Анализ ва синтез усулини тушунтириб беринг?
12. Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми қандай алоқадорликда бўлади?

4 – мавзу: Ҳукм. Ҳукмнинг моҳияти, таркиби ва тузилишига кўра турлари

Режа:

- 1. Ҳукм тафаккурнинг шакли сифатида**
- 2. Ҳукмнинг таркиби ва асосий хусусиятлари**
- 3. Ҳукм ва гап**
- 4. Ҳукмнинг тузилишига кўра турлари: а) Содда ҳукмлар, б) мураккаб ҳукмлар.**
- 5. Ҳукмларнинг сифат ва сон жиҳатдан бўлиниши**

Мантикий тафаккур шакли ҳисобланмиш ҳукм ҳам худди тушунчадаги каби маълум фикрни ифодалаб келади.

Ҳукм нарс ва ҳодисалар, уларнинг турли белгилари, хусусияти ва муносабатлари ҳақидаги тасдиқ ёки инкор шаклидаги фикрдир.

Шунинг учун ҳам ҳукм тасдиқ ёки инкор белгисига эга бўлмаса, у ҳукм бўла олмайди. Масалан: “ҳамма металллар электр токини ўтказди” десак тасдиқ ҳукм бўлади. “Қоинотнинг чегараси йўқ” деганда инкор ҳукмлигини эътироф этиш лозим.

Ҳукм ҳам бошқа тафаккур шаклларига ўхшаш объектив воқеликдаги нарс ва ҳодисалар инъикосини беради. Ҳукм объектив воқеликдаги нарс ва ҳодисаларнинг белгиларини унга тегишли ёки тегишли эмаслигини билдиради. Ҳукмлар ҳақида гапирганда ҳукмларда ифода қилинган айти бир белгининг чин ёки хато бўлишлиги катта аҳамиятга эгадир. Ҳукмларнинг хатолигини аниқлашда бир қатор қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

1). Агар бир фикрнинг чинлиги исбот этилган бўлса, уни чин деб тасдиқлаш ҳам чин бўлади.

2). Агар бир фикрни чинлигини исбот этилган бўлса, уни хато деб ҳисоблаш хато бўлади.

3). Агар бир фикрнинг хатолиги аниқланган бўлса, уни чин деб тасдиқлаш хато бўлади.

4). Агар бир фикрнинг хатолиги исбот этилган бўлса, уни хато деб тасдиқлаш чин бўлади.

Ҳукм ва тушунча бир-биридан ажралган ҳолда бўлиши мумкин эмас. Улар ўзаро инсон тафаккурида такомиллашиб ривожланиб боради. Тушунча ва унинг белгилари ҳукм асосида вужудга келади. Ҳукм билан тушунчанинг асосий фарқи шуки, тушунчада тасдиқ ёки инкор ҳолатлар йўқ.

Тушунча – деб буюмларнинг умумий ва муҳим белгиларини инсон онгида илмий акс эттириш демакдир. Ҳукм таркиби уч асосий қисмдан иборат: субъект S, предикат P боғламадан иборат. Бу учаласи мантиқда ҳукм терминлари деб аталади ва ҳукмни умумий схемаси қўйидагича ифодаланади. S – P, S (субъект), P (кесим), “-” белгиси эса субъект билан предикат ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Ҳукм ва гап диалектик боғлиқликда, лекин шунинг билан бирга биридан фарқ ҳам қилади. Ҳар бир гап ҳукмнинг бевосита воқъе бўлишлигини билдиради. Гапсиз ҳукм ва ҳукмсиз гап бўла олмайди. Ушбу фикрда гап ва ҳукм таркиби бир хил бўлади, улар фарқланмайди деган хулоса чиқариш тўғри эмас. Чунки ҳукм ҳам гап ҳам ўзига хос ифодаланиш усуллариغا эгадир. Мисол тариқасида сўроқ гапларни келтирадиган бўлсак, бундай гаплар одатда берилган саволга маълум, конкрет жавоб олиш жараёнини англатади. Шундай тўғридан тўғри фикр юритганда сўроқ гаплар ҳеч қандай ҳукмни англатмагандай кўринади. Аслида бундай эмас. Масалан: “Ким аълочи”? деган сўроқ гапни ва унинг моҳиятини таҳлил қилайлик. Ушбу кўринишдаги саволга одатда “Бобир аълочи”, “Динора аълочи”, “Нигора аълочи”, “Сохиба аълочи”, “Умид аълочи”... қабилида жавоб қайтарилади. Бунда савол мазмуни конкрет ким аълочи эканлиги ҳақида хабар бермаса ҳам, кимдир аълочи эканлиги ҳақида хабар беради. Бундан кўринадики, сўроқ гаплар яширин тарзда бўлсада маълум ҳукмларни ифода этади. Бундай ҳукм ва гаплар орасидаги алоқадорликни тўғри тушиниб етиш билиш жараёнида катта аҳамиятга моликдир. Худди шу тарзда дарак ва буйруқ гаплар ҳам яширин бўлсада ҳукмларни ифода қилишлигини кўрсатиш мумкин.

Ҳукм ва гап орасидаги алоқадорлик жараёнини таҳлил қилар эканмиз, куйидаги хулосавий фикрларни айтиш мумкинлигига келамиз. Барча ҳукмлар гаплар орқали ифода этилади. Аммо ҳамма гаплар ҳам ҳукм бўлавермайди.

Мантикда ҳукмлар содда ва мураккаб ҳукмларга бўлиб ўрганилади. Агар гапда ифода қилинаётган фикр биргина ҳукмдан иборат бўлса содда ҳукм, аксинча фикр бир нечта содда ҳукмлар йиғиндиси асосида берилса мураккаб ҳукм дейилади. Содда ва мураккаб ҳукмлар узвий алоқадорликда эканлигини эътироф этиш лозим. Одатда мураккаб ҳукмлар содда ҳукмлардан “ва”, “ҳам”, “агарда”, “ёки”, “унда”, “фақат”, “бундан” ва бошқа шунга ўхшаш боғловчилар ёрдамида ҳосил қилинади. “Самарқанд қадимий шаҳар” содда ҳукмни ифодаласа, “Миллий истиқлол ғояси ўзининг мақсадига ва тамойилларига эгадир” ҳукми мураккаб ҳукмни англатади. Чунки биринчи ҳукмдан бошқа ҳукмни ажратиш имконияти йўқ, лекин кейинги ҳукмдан иккита содда ҳукмни “Миллий истиқлол ғояси ўзининг мақсадига эгадир”, “Миллий истиқлол ғояси ўзининг тамойилларига эгадир” ажратиб олиш мумкиндир.

Ҳукмлар ўзлари акс эттираётган хусусиятларига қараб яна бир неча турларга ажратиб ўрганилади. Ҳукмлар сифат жиҳатдан тасдиқ ва инкор ҳукмларга бўлинади. Агар ҳукм буюмга хос бўлган бирор белгини қайд этувчи бўлса, у тасдиқловчи ҳукм дейилади. Тасдиқловчи ҳукмда боғловчи тасдиқловчи бўлиб келади. Баъзан, агар ҳукм предикати инкор этувчи ва ундаги боғловчи ҳам инкор этувчи бўлса, ҳукм, албатта тасдиқловчи бўлиб келади. Мисол учун, “У айибсиз эмас”.

Инкор ҳукм тасдиқловчи ҳукм белгиларини рад этиб келади. Мантик фанида тасдиқ ҳукмлар $S - P$ дир, инкор ҳукмлар $S - P$ эмас формула ёрдамида ифода қилинади.

Ҳукмлар сон (микдор) жиҳатдан якка, хусусий ва умумий ҳукмларга бўлинади. Якка ҳукм бир буюмга хос бўлган хусусиятни акс эттиради. Одатда, якка ҳукмлар субъекти якка тушунчалар бўлади. Масалан: “Бобир тиббиёт ходими эмас”.

Хусусий ҳукмларда қаралаётган белгининг буюмлар синфининг маълум қисмига таалуқли эканлиги акс этади.

“Баъзи талабалар чемпионлардир” Хусусий ҳукмлар “баъзи $S - P$ дир”, ёки “баъзи $S - P$ эмасдир” формула асосида ёзилади. Умумий ҳукм предикати ҳамма айтилган буюмлар синфини ўз ичига олади.

Умумий ҳукм субъекти ҳамма вақт тасдиқловчи бўлса, “ҳамма”, “ҳар бир”, инкор этувчи бўлса “ҳеч бир”, “ҳеч қайси” тушунчалари орқали ифодаланади. Яъни: умумий ҳукм тасдиқловчи бўлса “Ҳамма $S - P$ дир”, инкор этувчи бўлса “Ҳеч бир $S - P$ эмас” схемасида ёзилади.

Ҳукмлар сон ва сифат жиҳатдан бирлашган таснифга ҳам эгадир. Улар сон ва сифат жиҳатдан

1. Умумий тасдиқ (А)
2. Умумий инкор (Е)
3. Якка тасдиқ (J)
4. Якка инкор (О) ҳукмларга бўлинади ва ёзилганидай лотин алфавитининг бош ҳарфлари билан белгиланади.


Якка тасдиқ ҳукмлар $J = S - P$; яъни: “Баъзи $S - P$ дир”.

Якка инкор ҳукмлар “О” = “баъзи $S - P$ эмас”

Умумий тасдиқ ҳукм “А” = “ҳамма $S - P$ дир”

Умумий инкор ҳукм “Е” – “ҳеч бир $S - P$ эмас”

Мантиқда бу ҳукмлар орасидаги муносабатлар “мантикий квадрат”да ифодаланади.



Муносабатлар:

АЕ – қарама – қаршилик;

АJ – буйсиниш;

АО – зидлик;

ЕО – буйсиниш;

ЕJ – зидлик;

ЕА – қарама – қаршилик;

JO – қарама – қаршилик;

Ҳукмларнинг предикат мазмунига кўра бўлиниши. Нарса ва ҳодисаларда бирон-бир ҳолатнинг тасдиқланиши ва инкор қилинишига қараб ҳукмлар бўлинади:

1. Мавжудлик ҳукми
2. Хусусият ҳукми
3. Муносабат ҳукми

Мавжудлик ҳукми. Бирор-бир буюмнинг бор ёки йўқлиги ҳақида маълумот беради. Мисол: “Тилсиз тафаккур бўлмайди”, “Ўзбекистон турли конларга бой”.

Хусусият ҳукми. Бу ҳукм нарса ва ходисаларнинг ўз белгилари билан бўлган боғланишларни ифодалайди. Мисол: “Мантиқ фани тўғри фикрлашга ўргатади”.

Хусусият ҳукмлари воқеликдаги буюмларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини тасдиқ ёки инкор этибгина қолмасдан, балки бу буюмда маълум белги бор ёки йўқлигини ҳам тасдиқлайди. Мисол: “Темир электр токини ўтказди”, “Билиш – воқелик инъекосининг олий шаклидир”.

Муносабат ҳукмлари. Бу ҳукмлар икки ёки ундан ортиқ буюмларнинг фазога, вақтга, жинсга, кетма-кетликка, тенгликка нисбатан бўлган муносабатларини акс эттиради. Мантиқда бундай ҳукмлар $A \rightarrow P \rightarrow B$ шаклида ифодаланади. А ва В нарсалар ҳақидаги тушунчани, Р эса муносабатни англатади. Мисол: 1. Фазога нисбатан муносабат: “Ургут Самарқанднинг жанубида”, 2. Вақтга нисбатан муносабат: “Жомий Алишер Навоийнинг замондоши”. 3. Жинс муносабати: “Индера – Нилуфарнинг синглиси”. 4. “Лола Нодирадан кейин туғилган”.

Муносабат ҳукмлари билишда универсалликка даво қилмайди, балки нарсаларни билишнинг айрим томонларини аниқлашга хизмат қилади.

Ҳукмларнинг объектив моделлик бўйича бўлиниши. Бундай бўлинишга ҳукм перидикатидаги белгининг фикримиз буюмида тасдиқ ёки инкор шаклдаги боғланиш даражаси асос бўлади. Шунга кўра, мантиқда ҳукмлар икки асосий гуруҳга бўлинади. 1. Эҳтимолӣ, воқелик ва зарурий ҳукмлар объектив моделлашга қараб. 2. Муаммоли ва ишончли ҳукмлар мантиқий моделлашга қараб.

Ҳукмнинг объектив моделиги инсон онгидан ташқарида бўлган буюмларнинг объектив, эҳтимолӣ, воқеий ёки зарурий боғланишларини акс эттиради.

Эҳтимолӣ ҳукмлар нарсалар, ходисалар ва уларнинг белгилари ўртасидаги боғланишнинг тасдиқ ёки инкор шакли эҳтимолӣ бўлишини ёки бўлмаслигини кўрсатади. Яъни: “S эҳтимол Р дир”. “S эҳтимол Р эмас”.

Мисол: “Эҳтимол эртага ҳаво яхши бўлар”.

Воқеий ҳукмлар предмет билан белгилар орасидаги, яъни S ва P орасидаги боғланиш аниқ эканлигини, яъни ҳукм факт ва бўлган воқеанинг ҳақиқат экани ёки эмаслиги ҳақида хабар беради. Мисол: “Мустақиллик туфайли қадриятларимиз тикланди”, “Сўзсиз, бу муқаддас Ватанда азиздир инсон”.

Зарурий ҳукмлар турли шароитларда ҳам буюмлар, ҳам уларнинг белгилари ўртасидаги боғланишларнинг зарурий бор ёки йўқлигини акс эттирадиган ҳукмлардир. Мисол: “Тинчлик урушни енгади”. “Жаҳонда тинчлик ва адолат ғалаба қозонади”.

Фикрнинг исботланганлик даражасига қараб ҳукмнинг мантиқий моделиги иккига муаммоли ва ишончлига бўлинади.

Мантиқий моделликдаги муаммоли ҳукм объектив моделликдаги эҳтимолӣ ҳукмлардан ажралади. Объектив моделликдаги муаммоли ҳукм хулосага тажрибада текширилган бўлса, мантиқий моделликдаги муаммоли ҳукм хулосаси тажрибада текширилмаган бўлади. Мисол: “Эҳтимол, Олим

касаллик натижасида дарсга қатнашмагандир”, яъни: “Эҳтимол $S - P$ дир” (тасдиқ), “эҳтимол $S - P$ эмас” (инкор) формулада ифодаланади.

Ишонч ҳукмлар тафаккур буюмлари учун маълум хусусиятни – белгининг хос ёки хос эмаслигини ифодалайди. Мисол: “Атом ҳам бўлинади”, “Темир электр токини ўтказди” яъни формуласи “ $S - P$ дир”. Ҳукм инкор ҳукмдан иборат бўлса, яъни “Математика табиатшунослик фани эмас”. Формуласи “ $S - P$ эмас” кўринишида ёзилади.

Таянч иборалар: Ҳукм, ҳукм таркиби, тафаккур шакли, ҳукм ва гап, ҳукмнинг тузилиши, ҳукмнинг турлари, ҳукмларнинг сифат жиҳатдан бўлиниши, ҳукмларнинг сон жиҳатдан бўлиниши, содда ҳукм, мураккаб ҳукм, якка ҳукм, хусусий ҳукм, умумий ҳукм, умумий тасдиқ ҳукм, умумий инкор ҳукм, якка тасдиқ ҳукм, якка инкор ҳукм мантикий квадрат.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Ҳукмлар орасидаги муносабатни тушунтириб беринг?
2. Қарама-қарши муносабатдаги ҳукмларни тушунтиринг?
3. Бир-бирига зид муносабатдаги ҳукмлар?
4. Қарама-қарши муносабатдаги ҳукмларни айтинг?
5. Бўйсинувчи муносабатдаги ҳукмларни айтинг?
6. Мантикий квадратни тушунтириб беринг?
7. Ҳукмнинг таркиби деб нимага айтилади?
8. Содда ҳукм деб нимага айтилади?
9. Мураккаб ҳукм деб нимага айтилади?
10. Ҳукмларнинг сон (миқдор) жиҳатдан бўлинишини айтинг?
11. Ҳукмларнинг сифат жиҳатдан бўлинишини айтинг?

**5- мавзу. Хулоса чиқариш ва унинг моҳияти.
Индуктив ва дедуктив хулоса чиқариш**

Режа:

- 1. Хулоса чиқариш ва унинг турлари**
- 2. Бевосита хулоса чиқариш ва унинг турлари: а) алмаштириш, б) айлантириш, в) предикатга қарама-қарши қўйиш, г) мантикий квадрат асосида хулоса чиқариш.**
- 3. Дедуктив хулоса чиқариш. Силлогизм ва унинг фигуралари**
- 4. Қисқартирилган ва мураккаб силлогизм**
- 5. Индуктив хулоса чиқариш: а) тўлиқ индукция. б) тўлиқсиз индукция**

Хулоса чиқариш деб, бир ёки бир нечта ҳукмлардан объектив воқеликдаги нарсалар ва ҳодисалар ҳақида янги ҳукмни вужудга келтириш учун хизмат қиладиган тафаккурнинг махсус шаклига айтилади.

Мисол учун икки А ва С мулоҳазани олиб қараб чиқайлик. Булар орасидаги муносабат ноаниқ, лекин буларнинг иккаласи ҳам В га тенг эканлиги, яъни : А-В га В-С га тенглигидан А-С га тенг деган хулосага келади.

Хулоса чиқаришнинг таркиби икки муҳим қисмдан ташкил топади:

1) Бу маълум билимларни ифодаловчи ҳукмлар бўлиб, хулоса чиқаришнинг асослари деб аталади.

2) Бу маълум ҳукмлардан келиб чиққан ҳукм хулоса деб аталади.

Масалан: 1. Асос – барча мамлакатимиз фуқаролари дам олиш ҳуқуқига эга.

1. Асос – Аҳмад мамлакатимиз фуқароси .

Хулоса – Аҳмад дам олиш ҳуқуқига эга.


Бунда умумийликни ифодаловчи биринчи ҳукм – биринчи асос, яқкаликни билдирувчи иккинчи ҳукм – иккинчи асос деб юритилади. Чин билимга эришиш учун хулоса чиқаришнинг турларини билиш муҳимдир.

Агар хулоса бир асос ёрдамида қўлга киритилса, у бевосита хулоса чиқариш деб аталади. Масалан: Университетимизнинг баъзи талабалари шоир; демак, баъзи шоирлар университетимизнинг талабаларидир.

Хулоса чиқаришнинг қуйидаги турларини қараб чиқамиз.

1. Мантикий квадратдаги муносабатларга қараб хулоса чиқариш, яъни қарама-қаршилиқ, зидлик, бўсиниш муносабатлари.

2. Алмаштириш орқали хулоса чиқаришда биринчи ҳукмнинг субъекти иккинчи ҳукмнинг предикатига, унинг предикати эса иккинчи ҳукмнинг субъектига алмаштирилган, аммо ҳукмнинг мазмуни биринчидагидай қолаверади. Масалан: а) мамлакатимизнинг ҳамма фуқаролари (S) тенг ҳуқуқлидир (P). б) Тенг ҳуқуқлиларнинг бир қисми (P) – мамлакатимиз фуқаролари (S).



3. Айлантериш орқали хулоса чиқариш. Айлантериш орқали хулоса чиқаришда, бошланғич асос ҳукмнинг субъекти, хулоса ҳукмда сақланиб қолади, лекин предикат қарама-қарши мазмундаги предикатга, боғловчи ҳам қарама-қарши маънодаги боғловчига айлантерилади.

Масалан: Баъзи хулосалар бевосита чиқарилади.

Баъзи хулоса чиқариш воситали эмас.

Бу ерда биз биринчи ҳукмдаги боғловчини унинг қарама-қаршисига, предикатини эса қарама-қарши тушунчага айлантердик.

4. Предикатга қарама-қарши қўйиш.

Предикатга қарама-қарши қўйишда янги ҳукмнинг субъекти асос ҳукмнинг предикатига зид, предикати эса унинг субъектига қарши ҳукм бўлади.

Масалан: Мактаб ўқитувчилари (S) тарбиячидирлар (P). Ҳеч қачон тарбиячи бўлмаган киши (P) мактаб ўқитувчиси бўла олмайди (S).

Яъни: $S - P$. P эмас S эмасдир.

Предикатга қарама-қарши қўйиш орқали хулоса чиқаришда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш лозим.

1) Предикатга қарама-қарши қўйиш орқали умумий тасдиқ ҳукм умумий инкор ҳукмга ўтади. Масалан: “Ҳамма ўқитувчилар тарбиячи (A)” ҳукми “Ҳеч қачон тарбиячи бўлмаган киши ўқитувчи бўла олмайди (E)”.

2) Умумий инкор ҳукмдан жузъий тасдиқ ҳукм пайдо бўлади. “Ҳеч бир ақлли одам (S) мунозарада бақирмайди (P)” ҳукми “Мунозарада бақирмайдиган баъзи одамлар (P) ақлли”. (S) формуласи: “Ҳеч бир $S - P$ эмас. Баъзи P эмаслар S дир”.

3) Жузъий тасдиқ ҳукмдан хулоса чиқариб бўлмайди.

4) Жузъий инкор ҳукмдан жузъий тасдиқ ҳукм келиб чиқади. Масалан: “Айрим ёшлар (S) ўқимайди (P)” ҳукми “Айрим ўқимайдиганлар (P) ёшлар (S)” формуласи: “Баъзи $S - P$ эмас. Баъзи P эмас S дир”.

Сифат ва сон жиҳатдан турлича бўлган ҳукмларда айлантериш орқали ҳосил қилинадиган хулосаларни қараб чиқайлик.

1) Умумий тасдиқ ҳукмларни (A) умумий инкор ҳукмларига (E) айлантерилади. Масалан: “Барча демократик давлатлар (S) тинчлик парвардир (P)”. ҳукми “Ҳеч бир демократик давлат (S) тинчлик парвармас эмасдир (P)” ҳукмига айлантерилади.

Формуласи: “Ҳамма $S - P$ дир. Ҳеч бир $S - P$ мас эмас”.

2) Умумий инкор ҳукмлар (Е) умумий тасдиқ ҳукмларга айлантирилади. (А). Масалан: “Ҳеч бир босқинчилик уруши адолатли эмас” ҳукми “Ҳамма босқинчилик урушлари адолатсиздир”. Формуласи: “Ҳеч бир $S - P$ эмасдир. Ҳеч бир $S - P$ сиз бўлади”.

3) Қисман тасдиқ ҳукмлар (S) қисман инкор ҳукмларга (О) айланади. Масалан: “Баъзи мамлакатлар экваторда жойлашган” ҳукми “Баъзи мамлакатлар экваторда жойлашмаган эмас” ҳукмига айланади. Формуласи: “Баъзи $S - P$ дир, баъзи $S - P$ мас эмасдир”.

4) Қисман инкор ҳукмлар (О) қисман тасдиқ ҳукмларга (J) айланади. “Туруҳимиздаги баъзи талабалар шахмат ўйнайди” ҳукми “Туруҳимизнинг баъзи талабалари шахмат ўйнамайди”. Айлантириш натижасида барча ҳукмларнинг сифати ўзгаради, лекин сони ўзгармай қолаверади.

Алмаштириш орқали ҳамма вақт ҳукм мазмунини тўлароқ очамиз. Алмаштириш орқали хулоса чиқаришда:

1) Умумий тасдиқ ҳукм (А) жузъий тасдиқ ҳукмга (J) алмашади. “Синфимизнинг барча ўқувчилари (S) бу йил лагерга борадилар (P)” деган ҳукм “Бу йил лагерга борадиганларнинг баъзилари (P) синфимизнинг ўқувчиларидир (S)” билан алмашади.

2) Умумий инкор ҳукм (Е) алмаштириш орқали умумий инкор ҳукмга айлантирилади. Масалан: Ҳеч бир босқинчилик уруши (S) адолатли уруш эмас (P) ҳукми “Ҳеч бир адолатли уруш (P) босқинчилик уруши эмас (S)” ҳукмига айланади. Ҳеч бир $S - P$ эмас, ҳеч бир $P - S$ эмас.

3) Жузъий тасдиқ ҳукмда (S) субъект ва предикат (P) тушунчалари ўзаро туташади. “Баъзи драмалар (S) шеърӣ йўл билан ёзилган асардир (P)” ҳукми. “Баъзи шеърӣ йўл билан ёзилган асарлар (P) драмадир (S)” ҳукмига айланади. Формуласи “Баъзи $S - P$, баъзи $P - S$ ”.

4) Жузъий инкор ҳукм (О) алмашмайди.

Дедуктив хулоса чиқаришнинг алоҳида тури Силлогизмдир. Силлогизм мураккаб фикр юритиш шакли сифатида дастлаб грек мутафаккири Арестотель томонидан очиб борилган бўлсада, лекин бу атамани бирини бўлиб Платон фанга олиб кирди. У ўзининг “Теэтет” номли асарида “билим руҳий тасаввурларда эмас, балки у ҳақидаги хулосаларда мўжассамлашган бўлади” деб тушунтиради.

Силлогизм деб – асос – бошланғич ҳукмларнинг ўзаро умумий бир тушунча – ўрта атама воситасида боғланишидан янги билим берувчи натижа ҳукмнинг келтириб чиқарилишига айтилади.

Масалан: Ҳамма суверен давлатларнинг ўз валютаси бор.

Ўзбекистон суверен давлатдир.

Ўзбекистон ўз валютасига эга.

Бу ерда ўрта атама суверен давлатдир. Силлогизм икки асос (катта ва кичик) ва бир хулосадан ташкил топади. Асослар учта тушунча (атама)дан иборат бўлади. Силлогизмнинг биринчи асоси одатда умумий ҳукм бўлганлиги сабабли катта асос, иккинчи асос яқка ёки жузъий бўлганлиги сабабли кичик асос деб юритилади.

Асосларнинг таркибидаги тушунчаларнинг ҳажми ва тутган ўрни ҳам ҳар хил бўлиб улар катта, кичик, ўрта атама деб юритилади.

Катта атама P ҳарфи билан, кичик атама S ҳарфи билан ва ўрта атама M ҳарфи билан белгиланади. Кичик атама ҳамма вақт хулосанинг субъекти ўрнида келиб, кичик асосда эга (субъект) ёки кесим вазифасини ўтайди. Катта атама эга доимо хулосанинг предикати ўрнида келиб катта асосда эга (субъект) ёки кесим (предикат) вазифасини бажаради.

Масалан: Ҳамма планеталар ўз ўқи ва қуёш атрофида айланади.

Сатурн - планета.

Сатурн ўз ўқи ва қуёш атрофида айланади.


Мисолда ўрта термин планета, кичик атама Сатурн (атама тушунчадан фарқ қилиб бир маънода қўлланилади) катта атама эса ўз ўқи ва қуёш атрофида айланади.

Атрибутив тамоийлга кўра нарсанинг белгисини шу нарсанинг белгисидир, нарсанинг белгисига зид бўлган белги шу нарса учун ҳам зиддир. Агар P белги M нарса учун хос бўлса, M ўз навбатида S предметнинг белгиси бўлса, унда P – S нинг ҳам белгисидир. Демак белгининг белгиси бўлган P нарсанинг (S) белгисидир.

Масалан: Ҳамма металллар юқори темпратурада эрийди.

Темир – металл.

Темир – юқори темпратурада эрийди.



Эйлер доираси

Юқоридаги мисолда металлларнинг хусусияти юқори темпратурада эришдир, металл эса темирнинг хусусияти, темир ҳам юқори иссиқда эрийди.

Агар силлогизмнинг субъект ва предикатлари асосларда бўлинмаган бўлса, хулосада ҳам бўлинмаган бўлиши керак.

Масалан: Юқори ҳароратли киши касал ҳисобланади.

Бу кишининг ҳарорати йўқ.

Бу киши касал эмас.

Бунда хулоса асослардан заруран келиб чиқмайди. Чунки киши юқори ҳароратли бўлмасда касал бўлиши мумкин.

Агар силлогизм асосларининг бири инкор ҳукм бўлса, унда чиқарилган хулоса ҳам инкор ҳукм бўлади. Масалан: Ҳеч бир турдош от катта ҳарф билан ёзилмайди.

Мактаб – сўзи турдош отдир.

Мактаб сўзи катта ҳарф билан ёзилмайди.


Асосларнинг бири жузъий ҳукм бўлса, хулоса ҳам жузъий бўлади. Масалан: Ҳамма металллар электр токи ўтказмайди.

Баъзи металллар сувдан енгилдир.

Баъзи сувдан енгил кимёвий элементлар электр токи ўтказувчидир.


Силлогизмда натижа ҳукм – хулоса чиқариш силлогизм фигуралари ёрдамида чиқарилади. Силлогизм фигуралари деб ўрта атаманинг асосларида субъект ва предикат ўрнида жой алмаштириб келиши бўйича чиқариладиган хулоса турларига айтилади. Силлогизм фигуралари тўрттадир.

Биринчи фигурада ўрта атама катта асоснинг субъекти кичик асоснинг предикати ўрнида келади.




Бунда қўйидаги қоида амал қилади. Катта асос умумий кичик асос тасдиқ ҳукм бўлиши зарур. Масалан: Ҳамма сут эмизувчи ҳайвонлар (М) умуртқалидир (Р). Кит (S) – сут эмизувчидир (М). Кит (S) – умуртқалидир (Р).

Силлогизмнинг иккинчи фигурасида ўрта атама катта ва кичик асосларнинг предикати ўрнида келади.



Мазкур фигуранинг қўйидаги қоидаси бор. а) катта асос умумий (А, Е) б) асосларнинг бири инкор (Е,О) ҳукм бўлиши керак. Масалан: Ҳамма табиат қонунлари стихияли амал қилади. Қиймат қонуни стихияли амал қилмайди. Қиймат қонуни табиат қонуни эмас. Мазкур қонуннинг бири бузилса, хулоса хато, ноаниқ бўлади. Масалан: Металллар электр токи ўтказади. Сув электр токи ўтказади. Сув металдир. Бунда иккала асос ҳам тасдиқловчи бўлиб, хулоса хатодир.

Силлогизмнинг учинчи фигурасида ўрта атама катта ва кичик асосларнинг субъекти ўрнида келади.




Унинг қоидаси қўйидагича. Кичик асос тасдиқ (А,Ј), хулоса жузъий ҳукм бўлиши (О, Ј), керак.

Масалан: Санъат эстетик тарбия воситасидир.

Санъат ижтимоий онг шаклидир.

Баъзи ижтимоий онг шакллари эстетик тарбия воситасидир.

Силлогизмнинг тўртинчи фигурасида ўрта термин катта асоснинг предикати, кичик асоснинг субъекти ўрнида келади.



Масалан: Мантиқ фалсафий фандир. Фалсафа – дунёқараш характериға эга бўлган фан. Дунёқараш характериға эга бўлган фанлардан бири мантиқдир.

Содда силлогизмлар уч терминдан иборат бўлади. Содда силлогизмлар амалиётда тўлиқлигича учрамайди, балки қисқартирилган ҳолда келади. Бундай қисқартирилган силлогизм мантиқда “энтимема” (грекча “ёдимда”, “эсимда”) деб юритилади.

Энтимема деб асослардан бири ёки хулосаси қолдирилиб ифода этилган силлогизмга айтилади. Энтимемалар уч турга бўлинади:

- 1) Катта асос қолдирилган энтимемалар;
- 2) Кичик асос қолдирилган энтимемалар;
- 3) Хулоса қолдирилган энтимемалар.

Катта асоси қолдирилган энтимемага мисол: Ўзбекистон мустақил давлат бўлганлиги сабабли бошқа давлатлар билан бевосита алоқа ўрната олади. Бу мулоҳаза силлогизмнинг кичик асоси ва хулосасини ўз ичига олаяпти. Катта асос туширилиб қолаяпти. Бу мулоҳазани содда силлогизм шаклида тўлиқ ёзсак, қўйидагича бўлади. Ҳамма мустақил давлатлар бошқа давлатлар билан бевосита алоқа ўрната олади. “Ўзбекистон мустақил давлат”. Демак, Ўзбекистон мустақил бўлганлиги сабабли бошқа давлатлар билан бевосита алоқа ўрната олади. Кичик асоси туширилиб қолдирилган энтимемага мисол: “Барча дарахт каби терак ҳам сув билан ҳаётдир”. Бу энтимемада кичик асос “Терак дарахтдир” тушиб қолдирилган. “Барча дарахт сув билан ҳаётдир”. “Терак ҳам дарахтдир”. Демак, терак ҳам сув билан ҳаётдир.

Хулоса тушиб қолдирилган энтимемага мисол: “Ҳамма космонавтлар ҳаво кемасида осмонга кўтарилган”.

“Жонибеков космонавт эди”.

Мисолдаги энтимеманинг хулосаси: “Демак, Жонибеков – ҳаво кемасида осмонга кўтарилган” деган ҳукм тушиб қолган.

Хулоса чиқаришда мураккаб силлогизм ёки полисиллогизм билан ҳам иш чиқаришга тўғри келади. Бундай хулоса чиқаришлар ўз мазмуни билан боғланган икки ёки ундан кўп силлогизмлардан ташкил топиб, одатда биринчи силлогизмнинг хулосаси учинчи силлогизмнинг катта асоси бўлади.

Полисиллогизм прогрессив ва регрессив бўлиши мумкин. Агар бир силлогизмнинг хулосаси иккинчи силлогизмнинг катта асоси бўлса, бундай полисиллогизм прорессив силлогизм дейилади. Прогрессив силлогизмда тафаккур энг умумийдан кичикроқ умумийга қараб боради. Мисол: “Организмлар парчаланади”.

Ўсимликлар – организм.

Ўсимликлар парчаланади.
Дарахтлар – ўсимлик.
Дарахтлар парчаланади.
Чинор – дарахт.
Чинор парчаланади.

Агар бир силлогизмнинг хулосаси иккинчи силлогизмнинг кичик асоси бўлиб келса, бундай силлогизм регрессив дейилади.

Мисол: Чинор – дарахт.

Дарахт – ўсимлик.

Чинор – ўсимлик.

Ўсимлик – организм.

Чинор – организм.

Организм – парчаланади.

Чинор – парчаланади.

Эпихейрема қисқартирилган полисиллогизмдир. Эпихейреманинг ҳар бир асоси қисқартирилган силлогизм, яъни энтемемадир. Эпихейрема – икки энтемемадан иборат бўлиб, биринчи энтемема катта асос, иккинчи энтемема эса кичик асос деб юритилади.

1. Асос. Ҳамма А – Р

Ҳамма М – А

Демак, М – Р

II. асос Ҳамма В – М

Ҳамма S – В

Демак, ҳамма S – Р

Соритлар – мураккаб силлогизм бўлиб, унда содда силлогизмнинг хулосаси бўлган асослар тушурилиб қолдирилади. Соритлар икки хил арестотелча ва гоклениевча бўлади. (С.Р. Гокления XVI – XVII асрда яшаб ижод қилган).

Арестотелча соритда фикр ҳар доим яккадан умумийга қараб боради. Бунда ҳамма вақт кичик асос қолдирилиб ифода этилади ва биринчи силлогизм хулосаси кейинги силлогизмнинг кичик асоси бўлади. Аммо бу кичик асос навбатдаги силлогизмда очик ифодаланмайди. Аристотелча регрессив соритга мисол:

Лола – гул:

Гул – япроқ;

Япроқли – ўсимлик;

Ўсимлик – организм:

Организм – материя ҳаракатининг биологик шаклидир. Демак, Лола материя ҳаракатининг биологик шаклидир. Бу мураккаб силлогизмни тўлиқ шаклдаги силлогизм ҳолатига келтирамиз. Бунинг учун аввалам бор очик ифодаланган силлогизм асосларини аниқлаш лозим.

Биринчи силлогизм: Ҳамма гуллар – япроқлилардир.

Лола – гул.

Демак, лола – япроқлилардир.

Иккинчи силлогизм: Ҳамма гуллайдиган – ўсимлик.

(Лола - гуллайдиганлардан).

Демак, Лола – ўсимлик.

Учинчи силлогизм: Ўсимлик – органик жисм.

(Лола - ўсимлик). Демак, Лола – органик жисм.

Тўртинчи силлогизм: Органик жисм – материя ҳаракатининг биологик шакл. (Лола – органик жисм).

Демак, Лола материя ҳаракатининг биологик шаклидир.

Иккинчи, учинчи, тўртинчи силлогизмда қавс ичида ифода этилган асослар сорит шаклидаги мураккаб қисқартирилган силлогизмларда қолдирилиб ифода қилингандир.

Гокланиевча (прогрессив) соритда хулоса чиқариш умумийдан хусусийга қараб боради. Органик жисм – материя ҳаракатининг биологик шакли.

Ўсимлик – органик жисм.

Япроқлилар – ўсимлик.

Гул – япроқли.

Лола – гул.

Демак, Лола материя ҳаракатининг биологик шаклидир. Биз қисқартирилган силлогизмни тўлиқ шаклдаги силлогизм кўринишига келтирамиз.

I – силлогизм: (Органик жисм материя ҳаракатининг шаклидир.)

Ўсимлик органик жисмдир.

Демак, ўсимлик – материя ҳаракатининг биологик шаклидир.

II – силлогизм: (Ўсимлик – материя ҳаракатининг биологик шакли.)

Япроқлилар – ўсимлик.

Демак, япроқлилар материя ҳаракатининг биологик шаклидир.

III – силлогизм: (Япроқлилар – материя ҳаракатининг биологик шакли).

Гул – япроқли.

Демак, гул материя ҳаракатининг биологик шаклидир.

IV – силлогизм: (Гул – материя ҳаракатининг биологик шакли).

Лола – гул.

Демак, Лола – материя ҳаракатининг биологик шаклидир.

Иккинчи, учинчи ва тўртинчи силлогизмлардаги қавс ичидаги катта асослар гокланиевча соритларда умумийликдан яккага қараб бориши туфайли қолдириб ифодаланган.

Аристотелча соритнинг схемаси:

S – B

B – E

E – D

D – P

Демак S – P

Гокланиевча сорит схемаси:

B – P

E – B

D – E

$\Gamma - D$

$S - \Gamma$

Демак $S - P$.

Мантикда икки хил индуктив хулоса чиқариш: 1) тўлиқ индукция, 2) тўлиқсиз индукция кўп ишлатилади.

Тўлиқ индукция хулоса чиқаришнинг шундай шаклидирки, бунда биз бир группа нарса ва ходисанинг ўхшаш белгиларига қараб уларга таалуқли бўлган умумийликни белгилаймиз. Бундай хулоса чиқаришда хулоса айрим турдан айрим жинсга қараб боради ва ундан фойдаланиш чегаралангандир. Тўлиқ бўлмаган индукция айрим нарса ёки ходисадаги белгига қараб шу жинсдаги бошқа буюмларда ҳам шу белги борлиги ҳақида хулоса чиқаришдир. Тўлиқ индукция бир жинс ёки синфдаги ҳамма нарсалар ёки ходисаларни бирин кетин кўриб, уларга хос бўлган умумий хислатни аниқлаб хулоса чиқаришдир. Тўлиқ бўлмаган индукция учун бир синф ёки жинсга хос бўлган белгини тўла кўриб чиқиш шарт эмас. “ H_2O – сувни таркибий қисмларга бўлиб ўрганиш шарт эмас”. Оддий санаш индукцияси ёки оммабоп индукция деб объектив воқеликдаги фактларнинг оммабоп белгисининг такрорланиши, уларни оддий санаб ўтиш натижасида тафаккурда келиб чиқадиган хулосага айтилади. Оммабоп индукцияда айрим фактлар такрорланади, аммо у тасодифий бўлганлиги сабабли қонуний ҳолат деб қаралмайди.

Илмий индукция деб айрим нарса ёки ходисанинг муҳим белгисини аниқлаб, унинг шу синфга мансуб нарса ёки ходисага хослиги орқали хулоса чиқаришга айтилади. Хулосалар орасидаги сабаб – оқибат боғланишларини индуктив текшириш методларини инглиз файласуфи Ф. Бекон асослаб берди. Жон Стюарт Милль (XVIII – XIX аср) бу методларни қуйидагилардан иборат деб тушунтиради. а) ўхшатиш; б) тафовут; в) қолдиқлар; г) йўлдош ўзгаришлар; д) ўхшатиш ва тафовут қўшма методи.

Бу методларни биридан – иккинчисини қанчалик чегаралаб, ажратиб таърифламайлик улар мантикий билиш жараёнида мустаҳкам алоқадорликда эканлигини эътибордан соқит қилсак хато фикрларга келиб қолишимиз муқаррардир.

Таянч иборалар: Хулоса чиқариш, тафаккур шакли, хулоса чиқаришнинг тузилиши, асослар ва хулоса, дедуктив хулоса чиқариш, бевосита хулоса чиқариш, алмаштириш йўли билан хулоса чиқариш, айлантириш йўли билан хулоса чиқариш, эҳтимолли ва зарурий хулоса чиқариш, дедуктив хулоса чиқариш, силлогизм, силлогизм асослари, силлогизм атамалари, силлогизм қоидалари, силлогизм фигуралари, силлогизм аксиомалари, силлогизмнинг биринчи фигураси, силлогизмнинг иккинчи фигураси, силлогизмнинг учинчи фигураси, силлогизмнинг тўртинчи фигураси, силлогизмнинг моддуслари, қисқартирилган силлогизм, энтимема, эпихейрема, соритлар.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Хулоса чиқариш деб нимага айтилади?
2. Хулоса чиқариш турларини айтинг?
3. Бевосита хулоса чиқариш турларини айтинг?
4. Индуктив хулоса чиқаришни таърифланг?
5. Дедуктив хулоса нимани билдиради?
6. Силлогизм нимани англатади?
7. Силлогизмнинг биринчи фигурасини айтинг?
8. Силлогизмнинг иккинчи фигурасини тушунтиринг?
9. Силлогизмнинг учинчи фигурасини айтинг?
10. Силлогизмнинг тўртинчи фигурасини тушунтиринг?
11. Қисқартирилган силлогизм нима?
12. Мураккаб силлогизмни қандай тушунасиш?
13. Энтимема деб қандай силлогизмга айтилади?
14. Эпихейрема қандай силлогизмни англатади?
15. Соритлар деб нимага айтилади?
16. Тўлиқ ва тўлиқмас индукцияни қандай тушунасиш?

6 - Мавзу: Анологиянинг моҳияти. Анология бўйича хулоса чиқариш. Аргументлаш назарияси.

Режа:

- 1. Анология бўйича хулоса чиқаришнинг моҳияти.**
- 2. Анология бўйича хулоса чиқаришнинг турлари.**
- 3. Аргументлаш ва исботлаш.**
- 4. Раддия ва унинг хусусияти.**

Хулоса чиқариш жараёни фақат индуктив ва дедуктив хулоса чиқаришдан иборат бўлмай, анология йўли билан хулоса чиқариш ҳам хулоса чиқаришнинг алоҳида шакли ҳисобланади. Индуктив ва дедуктив хулоса чиқариш йўли билан бирор белгининг у ёки бу предмет ва ҳодисага таалуқли ёки таалуқли эмаслигини аниқлаш имконияти бўлмаган ҳолда анология йўли билан хулоса чиқариш анча қўл келади. “Анология” (грекча – ўхшатиш, мувофиқлик) грекларда конкрет сонлар ўртасидаги пропорционаллик муносабатини ифодалашда унумли фойдаланилган. Кейинчалик анология нарса ва ҳодисалар орасидаги ўхшашликни ифодаловчи тушунча сифатида ишлатила бошланган. Мантиқ фанида анология хулоса чиқаришнинг махсус шакли сифатида қўлланилиб келади. Шундай қилиб, **анология деб ўхшатиш орқали бир белгининг икки буюмда борлигини аниқлаб, бу буюмларнинг бошқа ўхшаш белгиларига эга эканлигини кўрсатишга айтилади.**

Анология ёрдамида хулоса чиқариш эҳтимоликка асосланиб хулоса чиқаришдир. “А” нарса ёки ҳодиса “а”, “в”, “с” белгиларига эга ва “В” нарса ёки ҳодиса “а”, “в” белгиларга эга эканлиги маълум бўлса, у вақтда “В” нарса ёки ҳодиса ҳам “С” белгига эга деб хулоса чиқарилади. Яъни:

“А” – а, в, с... белгиларига эга.

“В” – а, в, ?...белгиларига эга

“В” – С (эҳтимол, В нарса ва ҳодисага ҳам С белги хосдир).

Анология ёрдамида ҳодисаларни таққослаш, умумий хусусият аниқланади ва шу асосда нарса ва ҳодисанинг моҳиятини очишга янада яқин борилади. Анология ёрдамида хулоса чиқариш эҳтимолликка асосланган бўлсада, бундай хулоса чиқариш нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги билимларимизни чуқурлаштириш ва конкретлаштиришга хизмат қилади. Анология ёрдамида хулоса чиқаришнинг мантикий жихатлари устида тўхталадиган бўлсак, бундай хулоса чиқаришнинг эҳтимоллик характери камайтириш, хулосанинг чинлигини оширишга қаратилган талаблар назарда тутилади. Анологик хулоса чиқаришнинг чинлигини кучайтиришга қаратилган омиллар қуйидагилардир:

1). Хулоса чиқариш жараёнида қаратилаётган белгиларнинг нарса ва ҳодисаларга ичдан хослиги, муҳимлиги;

2). Такқосланадиган нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш белгиларининг кўплиги;

3). Имконият даражасида турдош материя шакллари такқосланиши;

4). Такқосланадиган нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш белгилари уларнинг сабаб – оқибат боғланишини ифода этиши ва бошқалар.

Аналогия ёрдамида хулоса чиқариш қанчалик эҳтимолликка асосланмасин у билиш жараёнида ўзига хос аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш лозимдир. Аналогия орқали хулоса чиқаришдан табиий ва ижтимоий фанлар соҳасидаги тадқиқотларда унумли фойдаланилади. Социология фанида маълум туркум объектлар устида ўтказилган тадқиқот натижалари кенгроқ объектлар туркимига ҳам хос деб ҳисобланади. Яъни маълум белгиларнинг объектларга хослигидан қолган бошқа белгиларнинг ҳам уларга хослиги ҳақида хулоса чиқарилади. Илмий билишда бундай йўл тутиш катта илмий – назарий аҳамиятга эга эканлигини турли манбалар тасдиқлайди.

Ёруғлик ва электромагнит тўлқин табиати ҳақидаги хулосалар табиий ва сунъий интелект орасидаги турли ўхшашликлар, бизнинг цивилизациядан бошқа цивилизациянинг мавжудлиги ҳақидаги хулосалар аналогия ёрдамида чиқарилган хулосаларга мисол бўла олади. Аналогия йўли билан хулоса чиқариш пайтида муҳим белгиларни кўчиришга боғлиқ ҳолда 1) сифат ва хусусият аналогиясига; 2) муносабат аналогиясига бўлиб ўрганилади. Хулоса чиқаришда аналогиянинг ушбу жиҳатларини тўғри белгилаш ва ҳаётга тадбиқ этиш турли ҳодисаларнинг билиб олинмаган жиҳатларини очишга ёрдам беради. Сифат ва хусусият аналогиясида кўчириладиган белги буюмларнинг сифати ёки хусусиятидаги ўхшашликка асосланади ва объект ҳақида янги билим беради.

Тиббиётда жуда кўп жарроҳлик ишлари, турли дориларнинг синаб кўрилиши авваламбор турли жониворлар устида амалга оширилади ва бу жараён ўзининг ижобий ва салбий оқибатлари билиб олинган ҳолда кейинчалик инсонларга тадбиқ қилинади. Хусусият аналогиясига медицинада перкуссия (лотинча – тиг ўриш) усулининг очилиши ҳам мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Машхур рус тиббиёт ходими Тализин сув билан бир хилда тўлдирилган бочкалар ва тўлдирилмаган бочкаларни ўриб кўрганда турли хил овоз чиқишини пайқади. Бу хусусият инсон организмига ҳам хос деб, тиббиёт ходимлари мувоффақият билан қўллаб келаётган перкуссия деган кашфиётни яратди. Тализиннинг ушбу кашфиёти хусусият аналогиясига ёрқин мисол бўла олади.

Муносабат аналогиясида буюмлар орасидаги икки муносабатнинг ўхшашлиги аниқланади. Бунда такқосланаётган предмет, ҳодисанинг муносабати уларнинг биридан иккинчисига белги сифатида кўчирилади ва шу аснода хулоса чиқарилади. Муносабат аналогиясининг сифат ва хусусият аналогияси билан аралаштирмаслик лозим. Муносабат аналогияси икки якка ҳодиса ўхшашлигини кўрсатса, сифат ва хусусият аналогияси бундай монандлик бўлишига имконият қолдирмайди. Масалан:

1). Америка X дунёдаги энг ривожланган еттилик мамлакатларига нисбатан Y четга кўп сармоя чиқаради R .

2). Япония M еттилик мамлакатларига нисбатан h электрон технологияси саноати бўйича юқори ўринни эгаллайди R_1 .

3). Америка ва Япония давлатлари дунёдаги энг ривожланган еттилик мамлакатлари орасидаги тутадиган мавқеларига кўра ўхшашдирлар. Бу мамлакатлар ўхшашлиги R ва R_1 муносабатида муносабат аналогияси ёрдамида хулоса чиқаришни билдиради.

Лекин Америка Японияга нисбатан бир қатор соҳаларда устунликка ҳам эга (a, b, c, d). Унинг бундай устунликлари – хусусиятлари қисман Японияга ҳам хосдир (a, b, c).

Бундан эҳтимол, Япония келажакда чет эл мамлакатларига сармоя чиқаришда еттилик мамлакатлари ичида етакчи ўринни эгаллаши мумкин деган аналогик хулоса чиқарилади. Бунинг схемаси:

$X - R - Y$

$V - R_1 - h$

$R - a, b, c, d$ хусусиятларга эга.

$R_1 - a, b, c$ хусусиятларга эга.

Эҳтимол, $R_1 - d$ хусусиятга эгадир.

Айтилганлардан хулоса қилинадиган бўлса, аналогия воситали хулоса чиқариш тури ҳисобланади. Аналогия ёрдамида хулоса чиқариш эҳтимолликка асосланган бўлади. Лекин аналогиянинг эҳтимолликка асосланган хулосасини мутлоқлаштириб бўлмайди. Чунки илмий билишда жуда кўп кашфиётлар аналогия ёрдамида хулоса чиқаришга асослангандир.

Аналогия хусусият ва муносабат аналогиясига бўлинади. Хусусият аналогиясида таққосланадиган предметнинг муҳим белгиси, муносабат аналогиясида предметларнинг муносабатлари биридан иккинчисига кўчирилиши бўйича хулоса чиқарилади.

Хулосаларнинг эҳтимоллиги (чин ёки хатолиги) даражасига кўра аналогия қатъий ва ноқатъий турларга бўлинади. Қатъий аналогияда хулосанинг чин ёки хатолиги аниқ бўлади ва шунга кўра у илмий аналогия ҳам деб юритилади. Ноқатъий аналогия хулосаси эҳтимоли, кўпгина ҳолларда чин хулосани бермайди, яъни ёлғон бўлади. Шунинг учун ҳам ноқатъий аналогия ноилмий аналогия деб аталади.

Аргументлашнинг умумий тафсифи.

Кишиларнинг тарихий тажриба фаолиятидаги муваффақиятлари улар қўллаётган билимларнинг қай даражада чин бўлишига, яъни бу билимларнинг воқеликнинг қанчалик тўғри акс эттиришига боғлиқ. Хато фикрлар предметларнинг реал алоқалари ва муносабатларини бузиб кўрсатади, билишда кўп чалкашликларга олиб келади. Шунинг учун ҳам билиш жараёнида ҳар бир фикрни тўғри кўришга эришиш, унинг чинлигини далиллар билан кўрсата олиш, хато фикрларни эса рад қила билиш муҳим аҳамиятга эга. Бу айниқса мафкура ва сиёсат соҳасида яққол кўринади. Муҳим тарихий масалаларни ҳал қилишда аниқ далиллар топа билмасликни, манфаатдор шахсларнинг хитоб ва бақириқларига, қасамларига соддалик

билан ишониб қўя қолишини, сиёсий жиҳатдан тарбияланмаганлик натижаси, мантикий маданиясизлик деб ҳисобланган.

Фактлар ва бошқа далилларга таяниб юритиладиган фикр юксак ишонтириш кучига эга бўлади, кишиларда ишонч - эътиқодни шакллантиради. Ишонч - эътиқод бу кишиларнинг хулқ - атвори ва хатти - ҳаракатларини белгилаб берадиган қарашлари ва тасаввурларидир. Билишнинг мақсади илмий асосга эга бўлган эътиқодни яратишдан иборат.

Аргументлаш (далиллаш) деб, бирор фикр мулоҳазани воқееликка бевосита мурожаат қилиш йўли билан (ўлчаш, тажриба, таққослаш кузатиш, эксперимент каби эмпирик билиш усуллари назарда тутилаяпти) ёки чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазалар ёрдамида асослаб беришга айтилади. Аргументлаш кенг маънода фикрни тасдиқлаш учун далиллар келтиришдан иборат. Унинг ҳар хил усуллари мавжуд. Хусусан фикрнинг чинлигини тасдиқлаш учун уни ҳодисанинг (фактнинг) ўзи билан солиштириш мумкин. Лекин кўп ҳолларда билиш жараёни натижанинг чинлиги уларнинг илгари вужудга келган билимлар билан боғлаш орқали аниқланади. Буни амалга оширишнинг мантикий усули исботлашдир. Далиллаш бевосита ёки воситали бўлиши мумкин. Агар далиллаш ҳиссий билишга асосланадиган бўлса бевосита далиллаш дейилади. Воситали далиллаш чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазаларга асосланади, бунда далиллаш хулоса чиқариш кўринишида олиб борилади. Исботлаш далил келтиришнинг хусусий кўриниши бўлиб, у бирор фикр, мулоҳазанинг чинлигини, чинлик аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазалар орқали асослашни билдиради. Исботлаш жараёнида фойдаланиладиган чин мулоҳазалар (исботлаш асослари) берилган фикрнинг чинлигини тасдиқлаш учун хизмат қилади. Шундай қилиб исбот деб тажрибада текширилиб, чинлиги аниқланган ҳукмлар орқали иккинчи бир ҳукмнинг чинлигини аниқлашга айтилади. Исботлаш таркиби уч элементдан ташкил топади. Тезис, аргументлаш (асослар), демонстрация (исботлаш усули). Тезис чинлиги исботланиши керак бўлган ҳукмдир. Аргументлаш тезиснинг чинлигини асослаб беришда қўлланиладиган ҳукм ёки ҳукмлардан иборат бўлади. Одатда теоремалар ва қонунларнинг чинлиги исботланган бўлади. Шунинг учун уларни текшириб ўтирмасдан аргумент сифатида олиш мумкин.

Демонстрация (исботлаш усули) тезис ва аргументлаш орасидаги мантикий алоқани билдиради. Демонстрация хулоса чиқаришдан иборат бўлади, яъни бунда тезис аргумент ёки аргументлашдан хулоса чиқариш сифатида мантиқ қонунлари асосида келтириб чиқарилади. Мисол: “Ўзбекистон мустақил давлатдир” деган ҳукм (тезис)нинг чинлиги “Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши, унинг халқаро миқёсида эътироф этилиши” каби аргументлаш орқали исбот этилади.

У учта элементдан ташкил топган: *тезис, аргументлаш* (асослар), *демонстрация*. Тезис - чинлиги асослаш лозим бўлган ҳукм. У исботлашнинг марказий шакли ҳисобланади, бутун диққат эътибор унинг чинлигини кўрсатишга қаратилади. Аргументлаш - тезиснинг чинлигини асослаш учун келтирилган ҳукмлар. Аргументлаш фактларни қайд қилувчи ҳукмлар,

таърифлар, аксиомалар, теоремалар, қонунлар ҳамда бошқа эмпирик ва назарий умумлашмаларга хизмат қилади. Аргументлаш сифатида келтирилган фактлар, албатта, ўзаро боғланган ва тезиснинг моҳиятига алоқадор бўлиши лозим. Таърифлар ҳам чин ҳукмлар бўлиб, улардан аргумент сифатида фойдаланиш мумкин. Масалан, «ҳаракат бу ҳар қандай ўзгаришдан иборат» деган таъриф чин ҳукмдир.

Аксиомалар чинлиги ўз-ўзидан равшан бўлган исботлашни талаб қилмайдиган фикрлардир. Инсон амалиётида миллиард марталаб такрорланганлиги учун ҳам уларни исботлаш зарур эмас.

Теоремалар ва қонунларнинг чинлиги исботланган бўлади. Уларни ҳеч иккиланмасдан аргумент қилиб олса бўлади. Демонстрация ёки исботлаш усули тезис билан аргументлаш ўртасидаги мантиқий алоқадан иборат. У ҳулоса чиқариш шаклида бўлади. Яъни тезис, аргументлашдан ҳулоса сифатида мантиқан келтириб чиқарилади. Исботлашнинг 2 та тури мавжуд: бевосита исботлаш, бавосита исботлаш. Бевосита исботлашда тезиснинг чинлиги тўғридан-тўғри аргументлар билан асосланади. Яъни тезисга зид бўлган ҳукмлардан фойдаланилмайди. Бунда тезис кўп ҳолларда якка ҳодисани ифода қилиб келади ва маълум бир умумий билимдан, масалан қонундан аргумент сифатида фойдаланилиб, унинг чинлиги асосланади.

Масалан «Ўзбекистон суверен, очик демократик давлатдир» деган ҳукмнинг (тезис) чинлиги аргументлаш ёрдамида асосланади. Бавосита исботлашда эса тезиснинг чинлиги унга зид бўлган ҳукмнинг (антитезиснинг) ҳатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Антитезиснинг қандай шаклда ифодаланган бўлишига қараб апагогик исботлаш ва айирувчи исботлаш фарқ қилинади. Апагогик исботлашда тезис (*a*) ва антитезис (*a*) ўртасидаги муносабат *a - a* тарзида бўлади. Масалан, «Материя ҳаракатсиз мавжуд эмас» деган ҳукмнинг чинлигини асослаш учун унга зид бўлган «Материя ҳаракатсиз мавжуд» деган ҳукм олинади. Апагогик исботлашда антитезис топилиб (1 - босқич) вақтинча чин деб қабул қилинади ва ундан маълум бир натижалар келтириб чиқарилади (2 - босқич), сўнгра бу натижаларнинг ҳатолиги кўрсатилади (3 - босқич) ва демак тезиснинг чинлиги исботланади. Масалан, «Материя ҳаракатсиз мавжуд» деган ҳукм чин бўлса, «моддий предметлар структурасиз мавжуд» деган фикр (антитезисдан келиб чиққан натижа) ҳам чин бўлади. Бизга маълумки моддий предметлар структурасиз (уни ташкил қилувчи элементлар ва уларнинг ўзаро алоқасиз) мавжуд эмас. Демак, «Материя ҳаракатсиз мавжуд» деган фикр хато, шу тариқа «Материя ҳаракатсиз мавжуд эмас» деган фикрнинг чинлиги асосланади.

Айирувчи исботлашда тезис соф айирувчи ҳукмнинг (кучли дизъюнкциянинг) бир аъзоси бўлиб, унинг чинлиги бошқа аъзоларнинг (антитезиснинг) ҳатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Масалан, «Имзосиз хатни ё Саидов, ё Эгамов, ё Расулов ёзган» деган фикр текширилиб, «Имзосиз хатни Эгамов ҳам, Расулов ҳам ёзмаган» лиги аниқланади ва шу тариқа «Имзосиз хатни Саидов ёзган» деган ҳукмнинг

чинлиги асосланади. Бу мисолда айирувчи исботлаш айирувчи - қатъий силлогизмнинг инкор-тасдиқ модуси бўйича кўрилган.

Раддия тезиснинг асоссизлигини аниқловчи исботнинг махсус шаклидир ёки бошқача қилиб айтганда раддия – исботни бузишга қаратилган мантикий амалдир. Раддия - илгари сурилган тезиснинг хатолиги ёки асоссизлигини аниқлаш йўли билан исботни бузишга қаратилган мантикий амалдир. Раддиянинг уч асосий тури кўп ишлатилади:

1. Тезисни рад этиш;
2. Аргументларни рад этиш.
3. Демонстрацияни рад этиш.

Рад этишнинг бу уч тури бири иккинчисидан қанчалик фарқ қилмасин, улар мантикий жараёнларда бир-бирини тўлдириб келади ва мустақкам алоқадорликда бўлади.

Бирорта фикрнинг чинлигини рад этиш унга зид бўлган фикрнинг хатолигини кўрсатишдан иборат бўлганлиги учун раддияни исботлашнинг хусусий ҳоли деб ҳисоблаш мумкин. Раддия ҳам исботлаш каби тезис (рад қилиниши лозим бўлган ҳукм), аргументлар (тезисни рад қилувчи ҳукмлар) ва демонстриядан (рад этиш усули) ташкил топган бўлади. Раддия бирорта масалани муҳокама қилиш, яъни дискуссияда учрайди. Дискуссия қатнашчиларидан бири маълум бир тезисни илгари суриб, уни химоя қилса (пропонент), бошқаси унга қарши чиқади (оппонент). Ҳал қилинмаган, мунозарали масалалар бўйича олиб бориладиган дискуссиялар полемика ҳисобланиб, унда қарама-қарши тезислар ҳисобланибгина қолмай, балки танқидий анализ ҳам қилинади.

Раддия 3 хил усул билан амалга оширилади: тезисни танқид қилиш, аргументларни танқид қилиш, демонстрацияни танқид қилиш. Масалан, вульгар материалистларнинг «онг моддийдир» деган тезиси табиашунос олимлар томонидан онгнинг идеал ҳодиса эканлигини кўрсатувчи далиллар билан рад этилади. Бу тезисни танқид қилиш орқали амалга оширилади.

Исботлаш, рад этиш ва тезисга алоқадор қоидалар: - Тезис мантиқан аниқ ва равшан бўлиши керак. Бу қоида бузилса, исботлаш ёки рад этиш ўзининг аниқ предметига эга бўлмай қолади, уни амалга оширишга ўриниш беҳуда иш ҳисобланади. - Тезис исботлаш ёки рад этишнинг бошидан охиригача ўзгартирилмаслиги керак. Бу қоида бузилса «Тезисни алмаштириш» деган хато келиб чиқади.

Аргументларга нисбатан қоидалар: - Тезисни асослаш учун келтирилган аргументлар чин ҳукмлар бўлиши ва бир-бирига зид бўлмаслиги лозим. Аргументлар тезисни асослаш учун етарли бўлиши керак. Аргументлар тезисдан мустақил ҳолда чинлиги исботланган ҳукмлар бўлиши мумкин.

Демонстрацияга нисбатан қоида: тезис аргументлардан мантикий тарзда келиб чиқадиган хулоса бўлиши лозим. Бунинг учун исботлаш ёки рад этишда хулоса чиқариш қоидаларига риоя қилиш керак.

Исботлаш ва рад этиш жараёнида ҳар хил хатоликлар учраб туради. Улар тўғри фикр юритиш қоидаларини бузиш натижасидир.

Агар хато мантиқ қоидаларини қасддан бузиш натижаси эмас, балки эҳтиётсизлик ёки билмаслик натижаси бўлса, у параллогизм деб аталади. Оппонентни адаштиришни кўзда тутиб, қасддан мантиқ қоидаларини бузиш натижасида хатога йўл қўйиш софизм ҳисобланади. Баъзан парадокслар ҳам учраб туради. Парадокс - бирорта ҳукмнинг ҳам чинлигини ҳам хатолигини исботлайдиган мулоҳазадан иборат.

Тўртинчи саволни ўрганишни бошлар экан, ўқувчи ҳар қандай билиш, илмий изланишнинг мақсади бизга номаълум бўлган фактлари (ҳодисаларни) тушунтириш эканлигини ёдда тутиши лозим. Қайд қилинган фактларни ҳамма вақт ҳам мавжуд тушунчалар, пиринциплар ёрдамида тушинтириб бўлмайди. Фандаги туб бурилишлар даврида бу ҳол маълум қийинчиликларни, хусусан илмий билимларнинг эришган даражаси билан янги билиш вазифаларини ҳал қилиш зарурияти ўртасидаги зиддиятни вужудга келтиради, муаммоли вазиятни яратади. Мана шундай вазият масалан XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида радиоктивлик ҳодисасининг кашф қилиниши, нурланишнинг квант характерга эгалиги, бир химиявий элементнинг бошқасига айланиши ва шу кабиларнинг аниқланиши натижасида вужудга келган.

Бу вазиятни фанда «физикадаги кризис» деб атаган эди. Билишдаги бундай қийинчиликлар муаммоларни қўйиш ва уларни ҳал қилиш орқали бартараф қилинади.

Муаммо - жавоби мавжуд бўлмаган ва ечиш усули номаълум бўлган саволдир. Шунинг учун ҳам муаммолар мавжуд билимлар доирасидан четга чиқишни, янги ечиш усули, методларини қидиришни тақозо этади. Қандай муаммоларни илгари суришни, уни муҳокама қилишнинг характерини билиш ва амалиётдаги эҳтиёжларни белгилаб беради.

Савол - муаммонинг ифода қилиниш шакли, билимларимиздаги ноаниқликлар, шубҳаларни юқотишга ва аниқрок, тўлиқрок билим олишга қаратилган фикрлаш воситасидир. Савол маълум бир бошланғич билимга таянган ҳолда қўйилади. Ана шу бошланғич билим жавобнинг характерини, унинг умумий схемаси ва йўналишини белгилаб беради. Савол аниқ, равшан, катъий ҳолда қўйилиши лозим. Масалан, «Субъект нима?» деган савол ноаниқ қўйилган ҳисобланади. Бу саволга фалсафий нуқтаи-назардан туриб «Оламни билувчи ва ўзгартирувчи ижтимоий индивид, муайян инсон» ва формал мантиқ позициясидан «Ҳукм терминларидан бири» деб жавоб бериш мумкин.

Мантиқда саволнинг 2 та тури: аниқловчи савол ва тўлдирувчи савол фарқ қилинади. Савол мавжуд назариялар доирасида ёки уларнинг модификациялар асосида муҳокама қилинади ва ечилади. Саволни ечиш одатда гипотезаларни илгари суришдан бошланади.

Гипотеза - қайд қилинган ҳодисанинг (фактнинг сабаби ҳақида бирорта тахминий фикрни илгари суриш ва уни асослашдан иборат бўлган жараёндир. У иккита босқичдан ташкил топган бўлади: 1) гипотезани қўйиш; 2) уни исботлаш.

Гипотеза кузатиш ва эксперимент натижаларига таянган ҳолда фактларни тўплаш, уларни анализ ва синтез қилиш асосида илгари сурилади. Масалан, К.Е. Циолковский ернинг тортиш кучини енгиб, планеталарга етишга имкон берадиган тезликни математик ҳисоблаш асосида шундай гипотезани илгари сурган. Марказга интилма куч оғирликни мувозанатлайди ва уни нолга тенглаштиради. Демак, космосга чиқишнинг йўли фақат мана шудир.

Исботлаш босқичида гипотезани вақтинча чин деб қабул қилиниб, ундан маълум бир натижалар келтириб чиқарилади ва улар мавжуд ҳодисалар (фактлар) билан солиштирилади. Агар улар бир-бирига мувофиқ келса, гипотеза чин, мувофиқ келмаса, хато бўлади. Гипотезанинг чинлиги баъзан уни чинлиги илгари аниқланган билимлардан дедуктив йўл билан келтириб чиқариш орқали ҳам исботланиши мумкин. Гипотеза рад қилинса, унинг ўрнига бошқаси кўрилади ва шу тариқа ўрганилаётган ҳодисанинг сабаби аниқлангунча давом эттирилади. Шунинг учун ҳам гипотезани табиёшуносликнинг ва умуман илмий билимларнинг тараққий этиш шакли деймиз.

Мантиқда умумий ва хусусий гипотезалар фарқ қилинади. Умумий гипотеза деб табиий, ижтимоий ва билиш ҳодисаларнинг қонуниятлари ҳақидаги асосли тахминларга айтилади. Бунга мисол қилиб М.В. Ломоносовнинг модданинг атом тузилиши ҳақидаги гипотезасини кўрсатиш мумкин. Хусусий гипотеза айрим фактлар, конкрет ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари ва хусусиятлари ҳақидаги асосли тахминдан иборат. Ишчи гипотеза ҳам мавжуд. У одатда текширишнинг дастлабки босқичларида курилиб, ундан ҳодисанинг сабабини аниқлаш учун эмас, балки кузатиш ва эксперимент натижаларини системага солиш учун фойдаланилади. Чинлиги исботланган умумий гипотеза назарияга айланади.

Назария - тушунчалар, қонунлар системасидан иборат бўлиб, унда маълум бир соҳага оид билимлар системага солинади, умумлаштирилади ва талқин қилинади. Эмпирик фактлар, гипотезалар ва қонунлар назарияси куришнинг зарурий элементлари бўлиб хизмат қилади. Назария маълум бир принциплар, методлар ёрдамида қоришиб, барча мавжуд билимлари (эски ва янги тушунчалар, қонунлари) ягона асосга келтиришга имкон беради. Назарияларнинг яратилиши мавжуд билимларнинг миқдор жиҳатидангина эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам ўсишини, ўрганилаётган ҳодисаларнинг моҳиятини чуқурроқ тушунишни билдиради.

Курилиш усулига қараб назарияларнинг 4 тури фарқ қилинади: 1) тажрибага таянувчи фанларнинг (экспериментал фанларнинг) мазмундор назариялари, 2) табиатшуносликнинг гипотетик-дедуктив ёки ярим аксиоматик назариялари, 3) математика ва математик табиатшуносликнинг аксиоматик назариялари, 4) математика ва мантикнинг формаллашган назариялари.

Бу назарияларда мавжуд эмпирик материаллар ҳар хил даражада ва кўламда анализ қилинади ва умумлаштирилади.

Ҳар бир фан ўз тараққиётнинг дастлабки босқичларида ўрганилаётган ҳодисалари (фактларни) тасвирлайди ва классификация қилади. Тасвирлаш ва ярим эмпирик босқичида фан (биологик систематика, эмпирик психология, конкрет социология, қисман география ҳозир ана шундай босқичда) тўпланган материалларни координация қилади, яъни ёнма-ён тузиб чиқади.

Фан тараққиётининг кейинги босқичида эса мавжуд тушунчалар, ҳукмлар, қонунлар бири иккинчисидан келтириб чиқарилади, яъни субординация қилинади. Масалан, гипотетик дедуктив назарияларда фаннинг барча тушунчалари маълум бир гипотезадан дедукция қилинади. Аксиоматик усул билан қўрилган назарияларда фаннинг барча тушунчалари, принциплари маълум бир аксиомалардан келтириб чиқарилади. Фан ана шундай назариялар системасидан иборат бўлиб, унинг структурасини ўрганишда мантиқ фани катта аҳамиятга эга.

Таянч сўз ва иборалар. Аргументлаш ва унинг мазмуни, исботлаш, аргументлашда тезис, асослар ва демонстрация бирлиги, раддия, исботлаш рад этиш ва тезисга алоқдор қоидалар, аргументларга нисбатан қоидалар, муаммо, савол, гипотеза, назария тушунчалар қонунлар системаси сифатида, қурулиш усулига кўра назариянинг турлари.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Аргументлаш нима ва у кишиларда ишонч-эътиқоднинг шаклланишда қандай рол уйнайди?
2. Исботлашнинг қандай турларини биласиз?
3. Исботлаш ва рад этиш қоидаларини бузганда қандай хатолар келиб чиқади?
4. Паралогизм, софизм ва парадокслар нима?
5. Муаммони тўғри қўйиш ва ҳал қилишнинг қандай шартларини биласиз?
6. Гипотезанинг моҳияти нимада ва унинг қандай турлари мавжуд?
7. Назария нима? Назариянинг қандай турларини биласиз?

Мустақил таълим олиш учун реферат мавзулари

1. Мантиқ фанининг баҳс мавзуси
2. Мавҳум тафаккур-воқеликни воситали акс эттиришдир.
3. Тафаккур шакллари ҳақида тушунча.
4. Тафаккурнинг диалектик ва формал қонунлари муносабати.
5. Илмий билиш системасида мантиқ фанининг ўрни.
6. Тафаккур ва тил.
7. Қадимги Ҳиндистонда мантиқ фани.
8. Қадимги Юнонистонда мантиқ илмининг ривож.
9. Стоя мактабида мантиқ фанининг материалистик йўналиши.
10. Фаробийнинг мантикий қарашлари.
11. Хоразмийнинг мантикий қарашлари.
12. Ибн Синонинг мантикий қарашлари.
13. Тафтазоний ва Миршариф Журжонийларнинг мантиқ фанига қўшган ҳиссаси.
14. Рене Декарт рационализми.
15. Френсис Бекон ва Томас Гоббсларнинг мантиқ фанига қўшган ҳиссалари.
16. Лейбницнинг етарли асос қонуни.
17. Немис классик фалсафасида мантиқ илмининг ривожлантирилиши.
18. Тўғри фикрлашнинг асосий формал мантикий қонунлари.
19. Айният қонуни ва софизм.
20. Етарли асос қонуни чин фикрлашнинг исботи, ишонарли бўлишлик хусусиятини ифодасидир.
21. Тушунчани таърифлаш ва уни илмий билишдаги ўрни.
22. Тушунча шаклланишининг асосий мантикий усуллари.
23. Тушунчанинг мазмунига кўра турлари.
24. Тушунчанинг ҳажмига кўра турлари.
25. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар.
26. Тушунчалар устида мантикий амаллар.
27. Тушунчани билиш ва унинг асосий қоидалари.
28. Ҳукмларнинг фалсафий билимлар тизимидаги ўрни.
29. Ҳукм ва гап.
30. Ҳукмнинг тузилишига кўра турлари.
31. Содда ҳукмнинг турлари.
32. Мураккаб ҳукмнинг ва уларнинг турлари.
33. Ҳукмларнинг математик мантиқ атамаларида ифодаланиши.
34. Ҳукмлар орасидаги муносабатлар.
35. Хулоса чиқариш-тафаккур шакли сифатида.
36. Дедуктив хулоса чиқариш ва унинг турлари.
37. Силлогизм ҳақида тушунча.
38. Силлогизм фигуралари ва қоидалари.
39. Қисқартирилган ва мураккаб силлогизмлар.

- 40.Силлогизм модуслари.
- 41.Мураккаб ҳукмлардан хулоса чиқариш.
- 42.Мураккаб силлозм ва унинг турлари.
- 43.Индуктив хулоса чиқариш мантиқий билишнинг усули сифатида.
- 44.Мантиқий билишда ишлатиладиган индуктив методлар.
- 45.Индукция ва дедукциянинг ўзаро боғланиши.
- 46.Аналогия бўйича хулоса чиқаришнинг моҳияти.
- 47.Аргументлаш ва исботлаш.
- 48.Аргумент (далил) ёки асоснинг хусусиятлари.
- 49.Исбот этиш усули (демонстрация) ва унинг турлари.
- 50.Исбот этиш қоидалари.
- 51.Раддия ва унинг турлари.
- 52.Исбот ва раддияда учрайдиган хатолар.
- 53.Муаммо, гипотеза ва уларни билишдаги ўрни.
- 54.Гипотезанинг муҳим белгилари ва турлари.
- 55.Илмий назарияларнинг таркибий қисмлари ва турлари.

Мундарижа

№	Кириш.....	4-бет
1	Н.А. Муминов., М. Бўриев Мустақил таълим олиш жараёнини такомиллаштириш юзасидан айрим услубий маслаҳатлар.....	6-бет
2	Мантиқ фани предмети ва тўғри фикрлашнинг асосий формал мантиқ қонунлари.....	10-бет
3	Тушунчалар орасидаги мантиқий муносабатлар.....	23-бет
4	Тушунча – мантиқий тафаккур шакли сифатида. Тушунчаларнинг мазмуни ва ҳажмига кўра турлари.....	31-бет
5	Ҳукм. Ҳукмнинг моҳияти, таркиби ва тузилишига кўра турлари.....	38-бет
6	Хулоса чиқариш ва унинг моҳияти. Индуктив ва дедуктив хулоса чиқариш.....	43-бет
7	Анологиянинг моҳияти. Анология бўйича хулоса чиқариш. Аргументлаш назарияси.....	53-бет
8	Мустақил таълим олиш учун реферат мавзулари.....	62-бет